



Рух Ҳаёти Ҳақида Мулоҳазалар

Рухи Институти



1-КИТОБ

Рух Ҳаёти Ҳақида Мулоҳазалар

Рухи Институти

Китоблар туркуми::

Қуйида Руҳи институти томонидан ишлаб чиқилган материалларнинг жорий рўйхати келтирилган. Ушбу китоблар ёшларнинг ва катталарнинг ўз жамоаларига хизмат қилиш қобилиятларини кучайтиришга қаратилган мунтазам ҳаракатларда, асосий курслар кетма-кетлиги сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган. Шунингдек, Руҳи институти болаларга дарслар ўтказиш учун муаллимларни тайёрлашда 3-китобнинг бир йўналиши бўлган қўшимча дастурларни ва ўсмирлар гуруҳи етакчиларини тайёрлаш учун 5-китобдан куртак очган бошқа тўпламлар устида ишламоқда. Буларнинг барчаси рўйхатда кўрсатилган. Шунинг назарда тутиш жоизки, жойларда тажриба ортиб бораётган сайин рўйхат ўзгариб боради ва ишлов босқичидаги материалларга умумий фойдаланиш учун тавсия этилувчи янги элементлар қўшилиб бораётган сайин қўшимча сарлавҳалар киритилади.

1-китоб	<i>Руҳ ҳаёти ҳақида мулоҳазалар</i>
2-китоб	<i>Хизматга бел боғлаш</i>
3-китоб	<i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 1-Синф</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 1-курс</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 2-курс</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 3-курс</i> <i>Болалар учун дарслар ўтказиш, 3-китобдан куртак очган 4-курс</i>
4-китоб	<i>Қўша Мазҳарлар</i>
5-китоб	<i>Ўсмирлар кучини озод этиш</i> <i>Дастлабки туртки. (1-қисм)</i> <i>Кенгайдиган доира. (2-қисм)</i>
6-китоб	<i>Амрни ўргатиш</i>
7-китоб	<i>Хизмат йўлидан бирга бормоқ</i>
8-китоб	<i>Баҳоуллоҳнинг Аҳди</i>
9-китоб	<i>Тарихий перспективани эгаллаш</i>
10-китоб	<i>Динамик жамоаларни қуриш</i>
11-китоб	<i>Моддий ресурслар</i>
12-китоб	<i>Оила ва жамоа</i>
13-китоб	<i>Ижтимоий ҳаракатларда қатнашиш</i>
14-китоб	<i>Жамоатчилик дискурсида иштирок этиш</i>

Copyright © 2020, 2021 by the Ruhi Foundation, Colombia
All rights reserved. Edition 4.1.5.PE published in September 2025
Printed in Uzbekistan

Originally published in Spanish as *Reflexiones sobre la vida del espíritu*
Copyright © 1987, 1995, 2008, 2020 by the Ruhi Foundation, Colombia
ISBN 978-958-59880-3-3

Permission for a limited printing of this book in Uzbek has been granted to Institute of Uzbekistan by the Ruhi Institute.

Ruhi Institute
Cali, Colombia
Email: instituto@ruhi.org
Website: www.ruhi.org

Мундарижа

Олиб Боровчи Учун Баъзи Фикрлар	v
Баҳойй Битикларини Тушуниш	1
Ибодат	13
Ҳаёт ва Ўлим	29

Олиб Боровчи Учун Баъзи Фикрлар

Руҳи Институти томонидан таклиф этилган курслар кетма-кетлигидан биринчиси бўлмиш, Руҳ Ҳаёти Ҳақида Мулоҳазалар, дунё бўйлаб кўп йиллар давомида қатор маҳаллий ҳудудларда ўқиб-ўрганиб келинмоқда. Аксарият вазиятларда, материал мунтазам учрашиб туриладиган тўғаракларда, тез суръатли ўрганиш учун ташкил этилган кампанияларда ёинки мактаб таътили пайтидаги лагерларда бир гуруҳ дўстлар томонидан ўқилиб, муҳокама қилинади. Ҳар қандай ҳолда, гуруҳдан бир киши олиб боровчи вазифасини бажаради. Олиб боровчи ва иштирокчилар орасидаги муносабат, ўқитувчи ва ўқувчи муносабати эмас; бунда барча онгли равишда шундай жараёнга берилганки, унда, ҳар бир киши ўрганишни истайди. Аммо, айна бир пайтнинг ўзиде, олиб боровчи муҳокамани йўналтиришда ўзини четга оладиган, суе кузатувчи ҳам эмас. Етарлича миқдорда курсларни тугатиб, у, уларда таклиф этилган фаолият турларини амалга оширган ва гуруҳ аъзоларидан ҳар бирига ўрганилаётган дастурнинг мақсадига эришишда ёрдам беришга лаёқатли. 1-Китоб олиб боровчиси сифатида фаолият кўрсатадиганлар, мазкур мукаддимадаги ғояларни вақти-вақти билан қараб чиқишни фойдали деб топишлари мумкин.

Дунё бўйлаб Институтнинг мазкур биринчи курсига йиғиладиган иштирокчилар, жамиятнинг турли қатламларини ташкил этадилар. Баъзилари, аллақачон Баҳойи жамоасининг аъзолари бўлиб, ўзлари қабул қилган Амрга хизмат қилишда, қобилиятни оширишга умид қиладилар. Бошқалари эса, курсга Баҳойи Ётиқодини дин сифатда тадқиқ этишнинг бошланиши деб қарайдилар. Яна бошқаларини Баҳойиликнинг идеаллари жалб қилиб, улар жамоанинг мақсад ва сайъ-ҳаракатлари билан танишишни хоҳлайдилар. Ва хусусан, ўзларининг жамиятга хизмат қилиш қобилиятларини Баҳойи жамоаси томонидан тарғиб этилган у ёки бу дастур орқали ривожлантиришни хоҳлайдиган тобора кўпсонли ёшлар, курсни бошланғич қадам сифатида ўтадилар.

Аввал бошиданок, ҳар бир иштирокчига шу нарсга аён бўлиши лозимки, Руҳи Институтининг курслари инсониятга хизмат қилиш йўлини белгилаб беради, бунда ҳар биримиз ўз суръатимиз билан, бошқаларга ҳам кўмак бериб ва ҳам уларнинг ёрдами билан ҳаракат қиламиз. Ушбу йўлдан бормок, бир-биридан ажралмас иккитомонлама ахлоқий мақсадга интилишни англатади: шахсий маънавий ва ақлий ўсишга эришиш ва жамият трансформациясига ҳисса қўшиш. Ушбу йўлда олдинга силжишда тараққий этиш учун қатор қобилиятларни ривожлантириш назарда тутиладики, бунинг учун тушунча ва билим, руҳий фазилатлар, мақтовга сазовор муносабатлар, ҳамда, кўплаб кўникма ва маҳоратлар керак бўлади. Институт китоблари таянадиган билим пойдевори - бир томондан, Баҳойи таълимоти бўлса, иккинчи томондан, моддий ва руҳий цивилизация тараққиёти ишида жаҳон баҳойи ҳамжамиятининг тўплаган тажрибасидир. Институт Баҳоуллоҳнинг инсон ва у яратиши мумкин бўлган цивилизация ҳақидаги қарашидан илҳомлангандир. Келиб чиқишидан қатъий назар, барча иштирокчилар бундай қараш учун очиқ деб тахмин этилади, зеро, бу қараш кетма кетлик китобларининг ҳар қисмида яққол кўзга ташланади.

Дунёда таълимот ва мафкураларнинг издош қозониш учун ҳар қандай воситани ишлатишга тайёрлиги, Ўтиқод билан яхши таниш бўлмаган кишиларда Руҳи Институтининг нияти ҳақида “Мендан ўз динимни алмаштириш сўралаяптими?” ёки “Менга динга қўшилиш таклиф этилаяптими?” деган самимий саволларни туғдириши мумкин. Бундай саволлар олиб борувчи учун курслар кетма-кетлиги ҳақида юқорида айтиб ўтилган мақсадни тушунтириш имконини беради. Чунончи, Баҳойлар ўз дўстларининг жамоага қўшилишларини кўришга ошиқишлари табиий бўлсада, олиб борувчи таълимотда прозелитизм таъқиқланишини эслатиб ўтиши мумкин. Институт курслари томонидан очиладиган хизмат йўлларида бориш учун Баҳоуллох таълимотлари тамойилларини тобора чуқурроқ тушуниш талаб этилади ва материалларда буларни аниқ баён этишга ҳаракат қилинган; қабул этиш ва иймон келтириш масаласи, ҳар бир шахс томонидан эркин ва босимсиз тафаккур этилиши керак бўлган саволлардандир.

Шунинг учун, мазкур китоб биринчи қисмининг айнан, тушуниш масаласидан бошланиши ажабланарли эмас, зеро бу, кетма-кетликнинг бошқа барча китоблари учун ўта муҳимдир. Муқаддас Битикларни ўқиш, ҳаёт давомида инсон кўзига тушадиган минглаб китобларни ўқишдан фарқ қилади; “Баҳой Битикларини тушуниш” деган қисм, ҳар кун Муборак Оятлардан парча ўқиш ва унинг устида мулоҳаза юритиш одатини кучайтиришга интиладики, хизмат йўлига киришган иштирокчиларга бу одат катта ёрдам кўрсатади. Буни ўқиб-ўрганишда уларни йўналтирар экан, олиб борувчи тушуниш мавзусига катта диққат-эътибор қаратиши керак бўлади.

Баҳой Битиклари теран руҳий ҳақиқатлардан иборат, улардаги бениҳоят маъноларни ҳар қанча чуқурроқ тушунишга уринмасак-да, биламизки, ҳеч қачон уларнинг так-тубигача етиб боролмаймиз. Одатда, парчани биринчи марта ўқиганимизда, унинг бевосита маъноси ҳақида асосий тушунчага эга бўламиз, бинобарин, 1-бўлимда бу нарса дастлабки отланиш нуқтаси сифатида келади. Шундай қилиб, “Олам фаровонлигига ҳалол ва эзгу амаллар билан, мақтовга сазовор ва намунали хулқ воситасида эришиш мумкин” деган парча(иктибос) ўқилганидан сўнг, иштирокчилардан оддий савол сўралади: “Олам фаровонлигига қандай қилиб эришиш мумкин?” Бир қарашда бундай машқларнинг кўпчилиги содда кўринади. Аммо, Институт томонидан таҳсилни шу тариқа бошлаш қарорининг оқиллигини кўп йиллик тажриба тасдиқламоқда. Ҳаммамиз шуни ёдда тутишимиз керакки, парчадаги қатлам-қатлам ҳақиқатларни топишга ошиқар экан, ақл унинг аниқ-яққол маъносини кўздан қочирмаслиги керак. Мазкур дастлабки тушунча даражасига берилган эътибор, гуруҳ маслаҳатлашувида ҳам муҳим ўрин тутаяди; қачонки, шахсий фикрларга илоҳий ҳикмат нури билан ёришишга изн берилса, фикр бирдамлиги кучаяди ва унга осон эришилади.

Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш муҳимки, кўпгина парчаларнинг бевосита маъносини тушунишда, контекстдан узиб олинган алоҳида сўзларни узоқ муҳокама этиш фойда бермайди. Ваҳоланки, зарурат туғилганда, баъзан гуруҳ луғатга қараши мумкин. Шундай бўлсада, иштирокчилар учун маълум бир сўзнинг маъносини берилган абзац ёки гапга тўлалигича қараб хулоса чиқаришни ўрганиш кўпроқ фойда бериши мумкин.

Тушунча бевосита маъно доирасидан чиқиб кенгайиши учун, ғояларнинг қандай қилиб муайян тарзда қўлланилишини кўрсатадиган мисоллар ёрдам беради. Бу борада тўғридан-тўғри йўналтирилган содда машқлар керак бўлади. 2-бўлимда, мисол учун, иштирокчилардан ҳозиргина ўқилган парча асосида баъзи хислатларнинг мақтовга сазоворми йўқлигини аниқлаш сўралади. 4-бўлимдаги худди шундай машқда эса,

улардан бешта фазилатни айтиб ўтиш ва ундан сўнг, ўша фазилатлардан ҳар қайсисини Битикларда ифода этилган “инсоний фазилатлар асоси” бўлиш ростиғйликсиз эгаллаш имкониятининг мумкинлигини аниқлаш сўралади.

Китобнинг мазкур қисмидаги мақсадга эришиш учун, тушунча даражаси янада олдинга силжиши керак бўлади ва бу иштирокчилар учун бироз енгил бўлмаган вазифа, яъни келтирилган парчаларнинг оқибатлари ҳақида ўйланиш орқали амалга оширилади. 2-бўлимда улардан “Дунёда яхши одамлар шунчалик камки, уларнинг ишлари ҳеч қандай таъсир кучига эга эмас” деган таъкиднинг тўғрилигини аниқлаш талаб этилади. Бундан мақсад, шунчаки ўз фикрини ифода этиш эмас. Олиб борувчи бир оз тўхталиб, иштирокчилар жавобининг сабаби билан қизиқиши керак бўлади. Албатта, гуруҳ бу таъкид нотўғри деган хулосага келиши керак, чунки у, олдинги бўлимдаги биринчи иқтибосга зид келади. Баҳойларга бошқа бир киши олдида ўз гуноҳларига иқрор бўлишга ижозат берилганми деган савол ҳам, шундай машқлар жумласидандир. Бу ерда таълимотдаги гуноҳларга иқрор бўлишлик ва уларнинг бошқа киши томонидан кечиб юборилиши тақиқланганлиги назарда тутилади, аммо бу, бирон-бир парчада тўғридан-тўғри тилга олинмаган ва унга жавобни “Эй, мавжудлик ўғли! Ҳисоботга тортилмасингдан олдин, ҳар куни ўзингга ҳисобот бер...” деган оятни тадқиқ этиш орқали тушуниб олиш мумкин.

Бу қисмдаги машқлар ҳеч ваз ила ўрганилаётган парчалар маъносини бор диапазонда қамрашга қаратилмаган. Ҳар бир олиб борувчи фикрлаши керак бўлган савол шундаки, ҳар бир муайян машқнинг муҳокамаси қанча вақт давом этиши керак? Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, анчагина мавзуга тегишли бўлган, аммо иккинчи даражали тушунчаларни тақдим этиш орқали муҳокаманинг чўзилиши одатда, материалнинг самарадорлигини пасайтиради. Ҳар бир гуруҳ олдинга силжишнинг оқилона суръатини жорий этиши керак; иштирокчилар ўз қобилиятларига мутаносиб равишда мудом олдинга тараққий этаётганликларини яққол ҳис этишлари лозим. Ҳолбуки, олиб борувчи бўлимлардаги машқлар ўйчан бир таҳлилсиз қолиб, бўлимлар тез ва юзаки ўтилмаслигига эътибор бериши керак. Бундай йўсинда йўл тутиб, фақатгина саволларга жавобларни тўлдирган гуруҳларнинг ютуқлари ҳеч қачон узоқ чўзилмаган.

Яна бир якуний фикрни эслаб ўтиш жоизки, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси материал туфайли силжиётган таҳсил жараёнига киришганига амин бўлиш, олиб борувчининг зиммасида. Ҳеч кимни гапиришга мажбурламасдан туриб, унинг иштирокини таъминлаш, аксарият ҳолларда муаммодир. Аввалдан тушуниш керакки, “Бу сиз учун нимани англатади?” деган савол орқали бу қийинчиликни бартараф этиб бўлмайди. Бундай тарздаги саволлар, илм ва ҳақиқатни оддий фикр даражасига туширишга мойил. Бу ҳолда, гуруҳ иштирокчилари орасида маслаҳат орқали, тушунчани кучайтирадиган бир муҳитни яратиш қийин бўлади.

Китобнинг иккинчи қисмида ҳам биринчиси каби руҳий ҳаёт учун зарурий бўлган одат қараб чиқилади, яъни доимий ибодат. Унинг биринчи бўлимида аниқ айтиладики, “хизмат йўли”дан боришимиз учун биз иккитомонлама мақсад ҳиссига тўлишимиз керак. Иштирокчилар мазкур мақсаднинг табиати ҳақида ички ёришувни таъминлайдиган дастлабки иқтибослар тўпламини тадқиқ этадилар, бу мавзу келгуси курсларда кейинчалик батафсил ёритилади.

Ушбу мавзу контекстида китобнинг мазкур қисмида дуо ва ибодатнинг моҳияти ўрганилади. Бу ерда ҳам юқорида таъриф этилган ёндошув қўлланилади. Саволлар ва

машқлар, Битиклардан олинган ва ўрганилаётган парчанинг маъноси ҳақида тушунчани юксалтиришга мўлжаллаб тузилган. Гуруҳ ушбу қисм ичра олдинга силжир экан, олиб борувчи учун эҳтимол, ўтмиш амалиётида ва талқинида илдиз отган тасаввурларни таҳлил этиш орқали шубҳаларни тарқатиш керак бўлади. Баъзи анъаналарда расм-русумлар ва шакл бора-бора ички ҳолатнинг муҳимлигини тўсиб қўйган, аксарият одамлар ибодатнинг зарурлигига бепарводирлар, зеро инсон руҳи учун у, тана учун озуқа каби вожибдир.

Шунинг учун, китобнинг бу қисмида, авваламбор, иштирокчиларда “Оллоҳ билан суҳбатлашиш” ва Унга яқинлашиш иштиёқини туғдиришга бўлган интилиш бор. Қараб чиқиладиган ғояларга - танҳоликда ёки учрашувларда бўлмасин, ибодат ҳолатига кирмоқ нима дегани ва бу ҳолатда қалбимиз ва онгимизнинг муносабати, ҳамда атрофимизда яратишимиз керак бўлган шароит кабилар киради. Жамоавий ибодат туғдирадиган кучлар ҳақида ўйланар экан, иштирокчилардан дуо ва ибодат учрашувларини ўтказиш имкониятини қараб чиқишлари сўралади.

Китобнинг учинчи “Ҳаёт ва ўлим” қисмини ўрганишда умид қилинадикки, хизмат йўлидан бориш маъсулияти(таахҳуди) мустаҳкамланиб, у янада теранроқ маъно касб этади. Ушбу дунёдаги хизмат, ҳаётга тўлалигича қараш орқали яхшироқ тушунилади, бинобарин, хизмат, заминий мавжудлигимиздан ташқарида давом этади ва илоҳий оламлар ичра руҳимиз ривожланар экан у ҳам ҳамиша давом этади. Таҳсил жараёнида техник тайёргаликдан фарқли ўлароқ, иштирокчиларда ўзлари бажараётган ишларнинг мақсад ва моҳияти ҳақидаги тушунчалари борган сайин онгли равишда ўсиб боради. Фақат мана шундай бир онглилик даражаси ўсгандагина, тажриба кўрсатадигани, улар ўзларини ўз таҳсилларининг фаол ва маъсулиятли “соҳиб”лари деб қарай оладилар.

Қисмдаги ҳар бир бўлим Баҳойй Битикларидан олинган биттадан учтагача бўлган иқтибос билан бошланиб, бир неча машқлар билан тугайди. Мазкур қисмдаги парчаларда ифода тили олдинги икки қисмдагига нисбатан мураккаброқ. Гуруҳ учун, албатта, мураккаб сўзлар устида тўхталишга ҳожат йўқ; олиб борувчи томонидан ҳар бир киши ҳар бир бўлимдаги марказий мавзунини илғганига амин бўлишининг ўзи кифоя ва машқлар айнан шу мақсад учун хизмат қилади.

Мавзунинг табиатини инобатга олган ҳолда, аниқ мисоллар келтирувчи машқларнинг сони кўп эмас. Уларнинг аксарияти, концептуал даражада. Шуниси эътиборлики, машқларда қўйилган саволлардан баъзиларига тез ёки аниқ бир жавоб бериб бўлмайди. Уларнинг вазифаси берилган савол бўйича тушунчани ошириш; иштирокчиларнинг бундай саволлар устида ўйланишининг ўзи таҳсил мақсадига жавоб беради.

Дастлабки бўлимларнинг бир нечаси, ушбу мавжудлик соҳасида биргаликда инсон борлигини ташкил этувчи руҳ ва вужуд орасидаги муносабатга бағишланади. Ушбу бўлимларда тақдим этилган марказий ғоянинг мақсади, руҳ моҳиятининг моддий эмаслигида; унинг тана билан бўлган алоқаси кўзгуда пайдо бўладиган нурга ўхшайди, на унинг юзасини қоплайдиган чанг ва на кўзгунинг кейинчалик парчаланиши нурнинг олий мақомига таъсир этмайди. Ўлим, шароитнинг ўзгариши холос, вужуд ва руҳ орасидаги алоқа узилгач, ундан кейин руҳ ўз Яратгувчиси сари абадул-абад тараққий этишда давом этади.

Сўнг, ушбу қисмдаги муҳокама мавзуси ҳаётнинг мақсадига ўтади, яъни Оллоҳни билиш ва Унинг ҳузурига эришиш. Бунда, муҳокама икки кенг доирадаги мавзу атрофида бўлиб ўтади. Биринчиси, ушбу дунёда бизнинг ҳаётӣ мақсадимиз, иккинчиси эса, руҳнинг ўлимдан кейинги саёҳатидир. Руҳ Оллоҳнинг белгиси бўлиб, Унинг барча сифат ва исмларини намоён эта билади. Шундай бўлсада, инсон салоҳияти унинг ичида пинҳондир; у фақатгина, Илоҳий Мазҳарлар бўлмиш, вақти-вақти билан одамзодни ҳидоят этиш учун келувчи муборак Зотлар ёрдамида очилиши мумкин. Улар берадиган таълим-тарбия туфайли бизнинг ичимиздаги жавоҳирлар намоён бўла оладилар.

Руҳнинг ўлимдан кейинги саёҳатига келганда, иштирокчиларга фикр-мулоҳаза юритишлари учун қатор ғоялар берилган: Оллоҳга содиқлар ҳақиқӣ бахт-саодатга эришадилар; ҳеч биримиз охирда бизни нима кутишини билмаймиз, бинобарин, бир-биримизга кечиримли бўлишимиз ва ўзимизни бошқалардан устун тутмаслигимиз керак; келаси дунёда ҳам, худди бу дунёдаги сингари, руҳ тараққӣ этишда давом этади ва бу ерда биз ривожлантирган руҳӣ қобилиятлар бизга бошқа дунёда ёрдам беради; келаси оламларда биз ўз яқинларимизни таний оламиз ва ушбу дунёдаги ҳаётимизни эслаб қоламиз, ҳамда, муқаддас ва авлиё руҳлар билан мулоқотдан баҳра топамиз.

Ушбу қисм Баҳоуллоҳнинг Муборак оятларидан келтирилган парча билан яқунланадики, унда бизга келаси олам неъматлари ваъда этилади ва мазкур ҳаётдаги ўзгариш ва тасодифлар бизни ранжитишига зинҳор йўл қўймаслигимизга даъват этилади. Сўнгра иштирокчилардан ўқиб-ўрганганларини ҳаётга тадбиқ этиш ҳақида ўйланишлари таклиф этилади.



Баҳодий Битикларини Тушуниш

Мақсад

Ҳар куни Илоҳий Битиклардан
парчалар ўқиш одатини кучайтириш ва
уларнинг маъноси ҳақида фикр-мулоҳаза юритиш

1-БЎЛИМ

Ушбу бўлимнинг мақсади, ҳар куни Муқаддас битиклардан парчалар ўқиш ва уларнинг маъноси устида фикрлаш одатини ривожлантириш, ҳамда, уни мустаҳкамлашда сизга ёрдамлашишдир. Бўлим сиздан Битиклардан олинган бир гапдан иборат таъкидни ўқишни ва шу гап жавоб бўла оладиган саволга жавоб беришни сўрайдиган оддий машқдан бошланади. Бундай машқ оддий бўлса-да, муборак оятларнинг маъноси устида фикр юритишингиз ва уларни эслаб қолишингизда ёрдам беради.

“Олам фаровонлигига ҳалол ва эзгу амаллар билан, мақтовга сазовор ва намунали ҳуққ воситасида эришиш мумкин.”¹

1. Олам фаровонлигига қандай қилиб эришиш мумкин? _____

“Эй, аҳли Баҳо, сўзлари амалларига мос келмайдиган кимсалар йўлидан бормоқдан сақланинг.”²

2. Кимларнинг йўлидан бормаслигимиз керак? _____

“Эй, мавжудлик ўғли! Ҳисоботга тортилмасингдан олдин, ҳар куни ўзингга ҳисобот бер.”³

3. Биздан ҳисобот талаб қилмасларидан олдин нима қилишимиз керак? _____

“Айтгин: Эй биродарлар! Сўзлар эмас, амаллар сизга зийнат бўлсин.”⁴

4. Нима бизнинг ҳақиқий зийнатимиз бўлиши керак? _____

“Муқаддас калималар, ҳамда, ҳалол ва эзгу амаллар илоҳий шон-шухрат самоларига қўтарилади.”⁵

5. Муқаддас калималар, ҳамда, ҳалол ва эзгу амаллар билан нима содир бўлади? _____

2-БЎЛИМ

Қуйида сиз ҳозиргина ўрганган иқтибосларга асосланган бир неча машқлар келтирилган. Улар сизга ўз гуруҳингизда бу парчаларнинг муҳимлиги ҳақида чуқурроқ фикрлашингизда ва уларни механик тарзда бажармаслигингиз учун ёрдам беришга мўлжалланган. Бу, ҳар бир машқ муҳокамасига кўп вақт сарфлаш керак дегани эмас. Машқ мураккаб туюлганда, гуруҳингиз олиб борувчиси сизга уни етарлича кўриб чиқишингизда кўмаклашади.

1. “Мақтовга сазовор” дегани, ниманингдир мақтовга лойиқлигини англатади. Қуйидагилардан қай бири мақтовга лойиқ?
☐ Яхши ходим бўлиш
☐ Бошқаларни ҳурмат қилиш
☐ Тиришқоқ бўлиш
☐ Ёлғончи бўлиш
☐ Дангаса бўлиш
☐ Бошқаларга хизмат кўрсатиш
2. “Сендан ҳисобот талаб қилмасларидан олдинроқ” деган ибора нимани англатади? _____

3. Қуйидаги таъкидлардан қай бири тўғри?
☐ Дунёда яхши одамлар шунчалик камки, уларнинг ишлари ҳеч қандай таъсир кучига эга эмас.
☐ Бирон бир нарса бошқалар фикрига мувофиқ келса тўғри ҳисобланади.
☐ Оллоҳ таълимотига мувофиқ келадиган ҳар бир нарса тўғридир.
4. Қуйидагилардан қай бири ҳалол ва эзгу амалларга киради?
☐ Болаларга ғамхўрлик қилиш ва уларга таълим бериш
☐ Ўғрилиқ
☐ Бошқаларнинг камол топиши учун ибодат қилиш
☐ Мушкул вазиятдан чиқиб кетиш учун жиндак ёлғон гапириш
☐ Бошқаларга ёрдам бераётиб, мукофот кутиш
5. Қуйидаги вазиятлардан қай бирида сўзлар амаллардан фарқ қилади?
☐ Кимдир барчамизнинг бирдам бўлишимиз кераклиги ҳақида гапиради, бироқ, ўзини зиддият келтириб чиқарадиган тарзда тутлади.
☐ Кимдир покиза-ҳаёли ҳаётни мақтайди, аммо, ўзининг никоҳдан четда алоқаси бор.
☐ Кимдир ўзини ичкилик тақиқланадиган диний эътиқод издоши деб эътироф эта туриб, баъзида спритли ичимлик истеъмол қилади.

_____ Кимдир ўзини эркак ва аёл тенгҳуққлиги тарафдори деб айтади, аммо, иш берувчи сифатида, айти бажарилган иш учун аёлларга эркакларга нисбатан камроқ тўлайди.

6. Бир Баҳойи учун бошқа киши олдида ўз гуноҳларига иқдор бўлишга ижозат берилганми? _____
7. Гуноҳларга иқдор бўлиш ўрнига, у нима қилиши керак? _____
8. “Илоҳий шон-шухрат самолари” иборасининг маъноси нима? _____
9. Ёмон ишлар оламга қандай таъсир кўрсатади? _____
10. Ёмон ишлар уларни содир этадиган кишиларга қандай таъсир кўрсатади? _____

3-БЎЛИМ

Энди Битиклардан келтирилган қуйидаги иқтибосларни ўқиб, мулоҳаза юритинг. Кейин эса, уларни ёдлашга ҳаракат қилинг.

“Тўғрисўзлик барча инсоний фазилатларнинг пойдеворидир.”⁶

1. Барча инсоний фазилатларнинг пойдевори нима? _____

“Оллоҳнинг барча оламларида ҳар қандай руҳнинг ростгўйликсиз ривожланиши ва муваффақиятларга эришуви мумкин эмас.”⁷

2. Ростгўйликсиз нимага эришиш мумкин эмас? _____

“Эй инсонлар, тилингизни тўғрисўзлик билан, қалбингизни эса, ҳаққоният нақши ила безанг.”⁸

3. Тилимизни нима билан безашимиз керак? _____
4. Қалбимизни нима билан безашимиз керак? _____

“Нигоҳингиз иффатли, қўлингиз вафоли, тилингиз ростгўй ва юрагингиз ёришган бўлсин.”⁹

5. Бизнинг нигоҳимиз қандай бўлиши керак? _____ Қўлимиз-чи? _____
Тилимиз-чи? _____ Қалбимиз-чи? _____

“Оллоҳни паноҳ деб билганлар ва барқарор иззат тахтида эътироф этилганлар, ҳатто, очликдан ўлар ҳолатда ҳам, ўз қўлларини қўшнисининг мол-мулкига чўзмайдилар ва уни ғайриқонуний равишда эгаллаб олмайдилар, гарчи ўша одам пасткаш ва тубан бўлсада.”¹⁰

6. Очликдан ўлар ҳолатда бўлсак ҳам, нима қилишдан сақланишимиз жоиз? _____

4-БЎЛИМ

Эътибор берган бўлсангиз, 2-бўлимдаги баъзи машқлар аниқ жавобларни талаб қилади. Бундай ҳолларда, берган жавобингизга нисбатан ишончингиз комил бўлмаса, олиб боровчингиз сизга иштирокчилар билан биргаликда фикр яқдиллигига келишингизда ёрдам беради. Бошқа бир машқларга келганда эса, муҳокаманинг ўзи кадрлидир ва ҳеч қандай аниқ жавобнинг берилиши кутилмайди. Мазкур бўлимдаги 3-машқ биринчи даражага тааллуқли, 6-машқ эса иккинчисига.

1. Тўғрисўзлик барча инсоний фазилатларнинг пойдевори ҳисобланади. Фазилатлардан бештасини санаб ўтинг: _____

2. Биз ростгўйликсиз бу фазилатларга эриша оламизми? _____
3. Куйидаги фикрлардан қай бири тўғри?
- _____ Инсон гарчи ёлғон гапирса ҳам, адолатли бўлиши мумкин.
 - _____ Ўғрилиқ қилган кимсанинг қўли вафоли.
 - _____ Вафоли қўл ўз тасарруфида бўлмаган нарсага ҳеч қачон тегмайди.
 - _____ Порнографик материалларни кўриш Баҳоуллоҳнинг шарм-ҳаёли нигоҳга эга бўлиш ҳақидаги маслаҳатларига зид келади.
 - _____ Ростгўйлик деганда, ёлғон гапирмаслик назарда тутилади.
 - _____ Ҳаққоният – қалб безагидир.
 - _____ Ростгўй бўлмаган инсон руҳан камол топиши мумкин.

- _____ Ўрни келганда, ёлгон гапиришнинг ҳеч қўрқинчли жойи йўқ.
- _____ Оч қолганида ўғрилиқ қилиш, Оллоҳ назарида мақбул.
- _____ Кейинроқ қайтариб бериш мақсадида ниманидир рухсатсиз олиш, ўғрилиқ эмас.
- _____ Қачонки биз одил ва ростгўй бўла туриб, ҳаққоний йўл тутсак, бизнинг юрагимиз ёришади.
- _____ Тижоратда жиндек ёлгонсиз муваффақиятли бўлиш мумкин эмас.
4. Киши ўз-ўзини алдаши мумкинми? _____
5. Биз ёлгон гапирганда нимани йўқотамиз? _____
- _____
6. Барчамиз ростгўй ва ҳалол бўлганимизда дунё қандай бўлар эди? _____
- _____
- _____

5-БЎЛИМ

Куйидаги иқтибосларни ўқинг ва уларни ёдлашга ҳаракат қилинг. Илоҳий оятларни ёддан билиш ўта фойдалидир ва сиз ҳар томонлама бунга интилишингиз керак. Албатта, баъзи кишилар учун ёд олиш масаласи осон эмас. Ҳолбуки, сабъи-ҳаракат кўрсатиш бизга ғояларнинг онгимиз ва юрагимизда муҳрланишида ва уларни матн аслига яқинроқ тарзда изҳор этишда ёрдамлашади.

“Меҳрибон тил қалбларни оҳанрабодек тортади. У сўзларга маъно бахш этгувчи руҳий нондир. У донолик ва идрок нурининг чашмасидир.”¹¹

1. Меҳрибон тил қай тариқа ифодаланиши мумкин? _____
- _____
- _____
2. Меҳрибон тил сўзларга қандай таъсир кўрсатади? _____
- _____

“Эй сиз, Оллоҳ хабиблари! Ушбу мукаддас Зухур Даврида низо ва ихтилофларга ҳеч қандай изн берилмаган. Ҳар бир зулмкор ўзини Оллоҳ марҳаматидан маҳрум этади.”¹²

3. Ушбу иқтибосга кўра ушбу Зухур Даврида нимага ижозат йўқ? _____

4. Зулмкор ўзини қай аҳволга солади? _____

“Ушбу Кунда Оллоҳ Амрига ҳеч бир нарса, Тангри ҳабиблари ўртасидаги низо, зиддият, жанжал, бегоналашув ва бепарволик етказган зиёндек қучли зарар етказиши мумкин эмас.”¹³

5. Оллоҳ Амрига нима қучли зиён етказади? _____

“Дўстликни фақат тилда изҳор этиш билан кифояланманг, йўлингизда ким учрамасин, юрагингизда унга нисбатан меҳр-муҳаббат ёнсин.”¹⁴

6. Дўстликнинг қандай кўриниши билан кифояланиб қолмаслик керак? _____

7. Бизнинг юрагимизда нима ёниши лозим? _____

“Уруш ҳақида фикр пайдо бўлса, ундан қучлироқ бўлган тинчлик ҳақидаги фикрни унга қарши қўйинг. Нафрат ҳақидаги фикрни, ундан қудратлироқ бўлган муҳаббат ҳақидаги фикр парчалаб ташлаши керак.”¹⁵

8. Уруш ҳақидаги фикрга нимани қарши қўйиш керак? _____

9. Нафрат ҳақидаги фикрни нима парчалаб ташлаши керак? _____

6-БЎЛИМ

Юқоридаги иқтибосларни фикрда тутган ҳолда, қуйидаги машқларни бажаринг:

1. “Оҳанрабо” сўзи, магнит маъноси учун ишлатиладиган бошқа бир сўз. Қандай қилиб меҳрибон тил магнит каби таъсир кўрсатади? _____

2. Қуйидаги иборалардан қай бирини меҳрибон тил изҳор этади?

- _____ “Жиғимга тегма!”
- _____ “Нега сен буни тушунмайсан, ахир?”
- _____ “Кутиб тура оласизми, илтимос?”
- _____ “Қандай ярамас болалар!”
- _____ “Меҳрибонлигингиз учун раҳмат!”
- _____ “Ҳозир сиз учун умуман вақтим йўқ. Бандман!”
3. Қуйидаги иборалардан қай бирини меҳрибон тил изҳор этади?
- _____ Маслаҳатлашув пайтида, бир мавзу юзасидан икки киши турлича фикр билдиради.
- _____ Маслаҳатлашув пайтида икки киши бир-бири билан баҳслашади.
- _____ Ҳар ҳафталик дуо учрашувларига икки киши ўзаро гапи қочгани сабаб келмайди.
- _____ Лойиҳада ҳамкорлик қилаётган гуруҳ аъзоларидан ҳар бири, нукул бошқаларнинг ўз топшириқларини бажармаётганлигидан нолийди.
4. Қуйидаги вазиятлардан қай бири бегоналашув белгиларини кўрсатади?
- _____ Икки дўст кўчада тўқнашганда, ўзини билмаганга олади.
- _____ Кимдир дуо учрашувига келганда, уни ҳамма илиқ кутиб олади.
- _____ Гарчи бири бирига илтифотли бўлса ҳам, гуруҳнинг икки аъзоси лойиҳада биргаликда иштирок этишдан бош тартади.
5. Қуйидаги фикрлар тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқланг:
- _____ Киши бошқалар ҳақида қандай фикрда бўлса уни шундайлигича айтиши керак; уларнинг юрагига қаттиқ тегиш-тегмаслиги муҳим эмас.
- _____ Ихтилофдан қочиш учун ёлғон гапириш мумкин.
- _____ Меҳр-муҳаббат ёрдамида ихтилофни енгиш мумкин.
- _____ Меҳр-муҳаббат билан айтилган сўзларнинг таъсири кучлироқ.
- _____ Биринчи бўлиб жанжал бошлаган киши билан жанжаллашса бўлади.
- _____ Касаллик ёки ғамгинлик ҳолларида кишининг кескин бўлишга ҳақи бор.
- _____ Бошқалар хатога йўл қўйганида, уларнинг устидан кулиш меҳрсизлик.
- _____ Икки дўст орасидаги муносабат ёмонлашган бўлса, улардан ҳар бири ярашиш учун бор кучини сарфлаши керак.
- _____ Икки дўст орасидаги муносабат ёмонлашган бўлса, улардан ҳар бири иккинчисининг биринчи бўлиб ярашиш учун қадам қўйишини кутиши керак.

7-БЎЛИМ

Қуйидаги иқтибосларни ўқинг ва ёд олинг.

“... ғийбат қалб нуруни сўндиради ва рух ҳаётини барбод этади”¹⁶

“Модомики, ўзинг хатоқор экансан, ўзгалар хатоси тўғрисида нафасингни чиқарма.”¹⁷

“Ёмонликни эшитма ва ёмонликни кўрма; ўзингни камситма ва нолалар қилма. Ёмонликдан сўз очмаким, сенга ҳам ёмонлик айтилмасин; бошқалар айбини катталаштирмаким, ўз айбинг катта бўлиб кўринмасин...”¹⁸

“Эй, мавжудлик ўғли! Қандай қилиб ўз айбларингни унутиб, ўзгалар айби билан машғул бўла оласан? Бундай қилгувчига Мендан лаънат.”¹⁹

1. Ғийбат уни тарқатувчига қандай таъсир кўрсатади? _____

2. Ўзгалар айбини ўйлашдан олдин нимани эслашимиз лозим? _____

3. Агар биз бошқа кишилар камчилигини бўрттириб кўрсатсак, биз билан нималар содир бўлади? _____

4. Бошқа кишиларнинг айблари ҳақида ўйлай бошлаганимизда биз нимани эсда тутишимиз лозим? _____

8-БЎЛИМ

Юқоридаги иқтибосларни ёдда тутган ҳолда, қуйидаги машқларни бажаринг:

1. Ўзгалар айбига диққатини жамлаган киши руҳининг ривожланиши билан нима содир бўлади? _____

2. Ғийбат жамоага қандай таъсир кўрсатади? _____

3. Дўстингиз бошқа бировнинг айби ҳақида гапира бошласа, нима қиласиз? _____

4. Қуйидаги фикрлар тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқланг:

- _____ Бирон кишининг аён айблари ҳақида гапирганимизда, ғийбат қилган бўлмаймиз.
- _____ Аини пайтда бирор кимсанинг ҳам яхши ва ҳам ёмон сифатлари ҳақида гапирсак, бу ғийбатга кирмайди.
- _____ Ғийбат қилиш жамиятимизнинг одати бўлиб қолган ва биз ўзимизда ушбу тажрибадан қочиш интизомини шакллантиришимиз лозим.
- _____ Агар тингловчи бошқа кимса ҳақида биздан эшитганларини такрорламасликка ваъда берса, унда ғийбатнинг ҳеч қандай зарари йўқ.
- _____ Ғийбат бирдамликнинг ашаддий душманларидан биридир.
- _____ Агар бизда ҳар доим бошқалар ҳақида гапириш одати пайдо бўлса, бу бизни осонгина ғийбатнинг домига солади.
- _____ Маҳаллий Руҳий Мажлис учрашувида, маълум қўмита аъзолигига номзодларни танлаш мақсадида кишиларнинг қобилиятлари муҳокама этилса, бу, ғийбат саналади.
- _____ Агар бизда ғийбат қилиш истаги туғилса, дарҳол ўз камчиликларимизни эслашимиз керак.
- _____ Агар биз кимнингдир Ўтиқодга зиён келтирадиган иш қилаётганини билиб қолсак, буни жамоа аъзолари билан муҳокама этишимиз лозим.
- _____ Агар биз кимнингдир Ўтиқодга зиён келтирадиган иш қилаётганини билиб қолсак, буни фақат Маҳаллий Руҳий Мажлисга етказишимиз керак.
- _____ Эр-хотиннинг бошқа кимсалар айбини муҳокама қилишининг ҳеч бир ёмон жойи йўқ, чунки, улар ўртасида сир бўлиши керак эмас.

9-БЎЛИМ

Мазкур бобнинг мақсади, олдин эслатиб ўтилганидек, иштирокчиларга Муқаддас Битиклардан олинган парчаларни ҳар куни ўқиш ва уларнинг маъноси устида фикр юритиш одатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги уринишларида ёрдам беришдир. Илоҳий оятларни ҳар тонг ва оқшом ўқиш, руҳий ривожимизга ҳисса қўшувчи Баҳоуллоҳнинг таълимоти дир. Қуйидаги парча бизга ушбу маъсулиятни бажаришдан оладиган марҳамат ҳақида эслатади, сизни уни ёдлашга таклиф этамиз:

“Менинг сўзларим уммонига чўминг, токи унинг сирларидан воқиф бўлгайсиз ва унинг қаърида пинҳон ётган донолик дурларининг барини кашф этгайсиз.”²⁰

Ушбу бобни тугатар экансиз, Баҳоуллоҳ битиклари китобига эга бўлишни ва уни ҳар куни ўқишни ишташингиз мумкин. Дастлаб танланадиган китоб Ниҳон Калималар бўлиши мумкин.

REFERENCES

1. Bahá'u'lláh, cited by Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2006, 2018 printing), par. 39, pp. 36–37.
2. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), CXXXIX, par. 8, p. 345.
3. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2003, 2012 printing), Arabic no. 31, p. 11.
4. Ibid., Persian no. 5, p. 24.
5. Ibid., Persian no. 69, p. 46.
6. 'Abdu'l-Bahá, cited by Shoghi Effendi, *The Advent of Divine Justice*, par. 40, p. 39.
7. Ibid.
8. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXXVI, par. 6, p. 336.
9. *Tablets of Bahá'u'lláh Revealed after the Kitáb-i-Aqdas* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1988, 2005 printing), no. 9.5, p. 138.
10. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXXVII, par. 3, p. 338.
11. Ibid., CXXXII, par. 5, p. 327.
12. *Will and Testament of 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1944, 2013 printing), p. 26.
13. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, V, par. 5, p. 8.
14. From a talk given on 16 and 17 October 1911, published in *Paris Talks: Addresses Given by 'Abdu'l-Bahá in 1911* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2016 printing), no. 1.7, p. 6.
15. From a talk given by 'Abdu'l-Bahá on 21 October 1911, *ibid.*, no. 6.7, p. 22.
16. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXV, par. 3, p. 300.
17. *The Hidden Words*, Arabic no. 27, p. 10.
18. Ibid., Persian no. 44, p. 37.
19. Ibid., Arabic no. 26, p. 10.
20. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, LXX, par. 2, p. 154.



Ибодат

Мақсад

Ибодатнинг аҳамияти ҳақида фикрлаш ва
мунтазам ибодат қилиш одатини
муштаҳкамлаш

1-БЎЛИМ

Руҳи Институти курслари иштирокчиларга хизмат йўлидан боришга ёрдам беришга мўлжалланган. Ушбу йўлдан борар эканмиз, биз иккитомонлама мақсад ҳиссига таянамиз, яъни, руҳан ва ақлан ўсиш, ҳамда, жамият трансформациясига ҳисса қўиш. Мақсадимизнинг ушбу икки жиҳати бири биридан ажралмасдир. Баҳоуллоҳ шундай насиҳат қиладилар.

“Ўзингизни шахсий манфаатлар билан банд этманг; фикру-зикрингиз одамзод равнақини қайта тиклаш ва кишилар қалби ва руҳини муқаддас этишга қаратилсин.”¹

Бошқа бир жойда эса, Ул Зот янада кўпроқ ёритадилар:

“фоний инсоннинг буткул йўқликдан борлик соҳасига қадам қўйишидан мақсади, олам фаровонлиги учун меҳнат қилиб, биргаликда тотув ва ҳамоҳанг яшай олишликдадир.”²

Бизнинг ички ҳолатимизга келганда, Ул Зот айтадилар:

“Пок қалб ойна кабидир; уни Оллоҳдан ўзга барчадан кўнгил узишлик ва муҳаббат алангаси билан тозаланг, токи, унда ҳақиқий қуёш чарақласин ва мангу тонг отсин.”³

Абдул-Баҳо айтадилар:

“Илоҳий инъомларни қабул қила олишингиз учун, юрагингиз тоза ва ниятингиз самимий бўлиши керак.”⁴

1. Фикру-зикримиз нимада жамланган бўлиши керак? _____

2. Қандай мақсад учун биз буткул йўқликдан борлик соҳасига қадам қўйдик?

3. Қалбимиз ойнасини нима билан тозалашимиз керак? _____

4. Илоҳий инъомларни жалб этувчи шартлардан баъзилари нима? _____

5. Қуйидагиларни тўғри деса бўладими?

- Аввал, сиз ўзингиз ҳақингизда ғамхўрлик қилишингиз керак, кейин эса бошқалар ҳақида.
- Агар ҳар доим бошқаларга ёрдам берсангиз, ўз мақсадларингизни кўздан қочиришингиз мумкин.
- Сизнинг энг яқин дўстингиз ўзингиз.
- Энг муҳими, сизни нима бахтли қилишини топиш.
- Орзуларингизга интилинг, улар сизни бахтли қилади.
- Токи бошқаларга зиён бермас экансиз, сизнинг нима ишлар қилишингиз муҳим эмас.
- Токи сал-пал эзгу иш қилиб турар экансиз, интилишларингиз худбин бўлиши мумкин

2-БЎЛИМ

Бизнинг иккитомонлама мақсадимизнинг марказидаги ишонч, бу, барчамизнинг олийжаноб этиб яралганимиз:

“Эй, Рух ўғли! Сени ғаний қилиб яратдим, нега ўзингни фақирликка урасан? Сени олийжаноб этиб бунёд этдим, нега ўзингни залил тутасан? Ил моҳиятидан Мен сени бор айладим, нега сен Мендан ўзгадан илм излайсан? Муҳаббат лойидан Мен сени ясадим, нега ўзга ила машғул бўласан? Нигоҳингни ўзингга қарат ва ўзингдаги Қувватли, Қудратли ва Қайюм турган Мени топурсан.”⁵

Келтирилган бўш жойларни ташлаб қолдирилган сўзлар билан тўлдириш, берилган парча устида фикр юритишда ёрдам беради.

““Эй, Рух ўғли! Сени _____ қилиб яратдим, нега ўзингни _____ урасан? Сени _____ этиб _____ этдим, нега ўзингни _____ тутасан? _____ Мен сени _____, нега сен _____ ўзгадан _____? _____ лойидан Мен сени _____, нега ўзга ила _____ бўласан? _____ қарат ва ўзингдаги _____, _____ ва _____ турган _____ топурсан.”

Рухимизнинг олийжаноблигига содиқ бўлиш учун, биз ўз мавжудлигимиз Манбасига юз тутишимиз ва маърифатни Ундан излашимиз керак. Бунга эришишнинг энг ишончли йўлларида бири ибодат орқалидир. Эътиқод Муҳофиз Шавқий Эфендиннинг айтишларича, унинг асосий мақсади “руҳий фазилатлар ва қувватлар

орқали шахс ва жамиятни ривожлантириш. Авваламбор, инсон руҳини тўйғизиш керак. Бундай руҳий озукани энг яхши таъминлайдиган нарсa ибодатдир.”⁶

3-БЎЛИМ

Оллоҳ Билгувчи ва Донодир. У бизни яратди ва юрагимизда борини билади. У бизнинг ибодатимизга муҳтож эмас. Унда биз нега ибодат қиламиз?

Абдул-Баҳо шундай дейдилар:

“Юксак ибодатда, инсонлар фақатгина Оллоҳга бўлган муҳаббатдан ибодат қиладилар, наинки Ундан ёки дўзахдан қўрққанликлари, ёхуд Оллоҳ марҳамати ва жаннатидан умидворликлари учун. ... Қачонки, инсон бошқа бир инсонни севса, у ўз севгилисининг номини эсламасдан туролмайди. Оллоҳни севган инсон учун эса, Унинг Номини зикр этмакдан ўзини тўхтатиш ундан-да мушкулроқ. ... Руҳоний киши учун Оллоҳни ёдга олишдан кўра каттароқ лаззат топилмайди.”⁷

Бошқа бир жойда, Ул Зот шундай тушунтирадилар:

“Дўстлардан бири бошқасини севса, буни изҳор этишни исташи табиий эмасми, ахир? Чунончи, дўсти унинг бу муҳаббатидан воқиф бўлса ҳам, барибир, унга буни айтишни истамайдими? ... Оллоҳ барча қалблар истагини билиши ҳақиқатдир; бироқ, ибодатга ундовчи туртки табиий бўлиб, у инсоннинг Оллоҳга бўлган муҳаббатидан жўш уради.”⁸

1. Қуйидаги жумлаларни якунланг:

а. _____ ибодатда, инсонлар фақатгина Оллоҳга бўлган _____ ибодат қиладилар, наинки Ундан ёки _____ қўрққанликлари, ёхуд _____ ва _____ умидворликлари учун.

б. Қачонки биз бошқа бир инсонни _____, биз унинг _____ эсламасдан туролмаймиз. _____ инсон учун эса, _____ ўзини тўхтатиш ундан-да _____.

в. Руҳоний киши учун Оллоҳни _____ кўра _____ топилмайди.

2. Биз нега ибодат қиламиз? _____

3. “Оллоҳни ёдга олиш” иборасининг маъноси нима? _____

4. Ошиқ инсоннинг жўшқин истаги нима? _____

5. Ибодатга ундовчи туртки нимадан жўш уради? _____

4-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ томонидан нозил этилган ибодатда, шундай сўзларни ўқиймиз:

“Сенинг Олий ва Шавкатли ғайб Моҳиятининг асл қуёшлари бўлмиш Зотлар номи билан илтижо қилурманки, ибодатимни оловга айлантиргин ва бу олов Жамолингни мендан тўсиб турган пардаларни қуйдирсин; ибодатимни нурга айлантиргинким, бу нур мени Висолинг баҳрига бошласин.”⁹

Ўша ибодатда Оллоҳдан сўраймиз:

“Ё Раббим! Ибодатимни оби ҳаётга айлантиргинким, токи унинг бирла Салтанатинг тургунича тургайман, оламларининг ҳар бирида Сени эслаб юргайман.”¹⁰

1. Ибодат оловга ўхшаш бўлиши мумкинми? У нимани қуйдиради? _____

2. Бизни Оллоҳдан тўсғувчи баъзи пардаларни айтиб ўтинг: _____

3. Ибодат нурга ўхшаш бўлиши мумкинми? У бизларни қаерга бошлаб боради? _____

4. Ибодат оби ҳаётга ўхшаши мумкинми? У руҳимизга нимани ёғдиради? _____

5-БЎЛИМ

Абдул-Баҳонинг куйидаги сўзларини ўқинг ва фикр юритинг:

“Мавжудлик оламида ибодатдан кўра ширинроқ нарса йўқ. Инсон ибодат ҳолатида яшамоғи лозим. Энг ҳаловатли ҳолат бу, ибодат ва сажда қилиш ҳолатидир. Ибодат бу, Оллоҳ билан мулоқотдир. Энг юксак ютуқ ёки энг лаззатли ҳолат – Оллоҳ билан суҳбатдан бўлак нарса эмас. У руҳонийликни, фикрий баркамолликни ва илоҳий ҳиссиётларни вужудга келтиради, Илоҳий Салтанатга бўлган янгича тортишиш кучини туғдиради, заковатни янада юксакроқ мақомдаги зехний теранликка олиб чиқади.”¹¹

1. Қандай ҳолат заминда энг ширин ҳисобланади? _____

2. “Ибодат ҳолати” дегани нимани англатади? _____

3. Ибодат орқали туғиладиган бир неча хислатларни айтиб ўтинг: _____

4. Охирги бир неча бўлимда ўрганган иқтибосларга қайтиб, ибодатнинг табиати ҳақида бешта ибора тузинг.
 - Ибодат, бу _____
 - Ибодат, бу _____
 - Ибодат, бу _____
 - Ибодат, бу _____
 - Ибодат, бу _____

6-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳнинг куйидаги сўзларини ўқинг ва мушоҳада қилинг:

**“Оллоҳга яқинлар куйлаганидай,
Эндиликда, сен ўзингга ҳам
Раббанодан нозил қилинган
Муқаддас сатрларни куйла, эй бандам;
Сен айтган бу наво лаззати**

Юрагингда оловлар ёқиб,
 Жалб айласин халойиқ қалбин.
 Рабб зуҳр этган бу оятларни,
 Ўзин сокин масканларида
 Куйласа гар қайси бир кимса,
 Қудратлининг фаришталари
 Бу каломлар хуш ифорини
 Таратгайлар сахий қўл ила;
 Ҳамда тақводорлар қалбига
 Турфа амру иродат ила
 Солгайдирлар жунбуш, ҳаяжон.
 Бандасига дастлаб бу сўзлар
 Таъсироти сезилмаса-да,
 Унга инъом этилган ушбу
 Куч ва қудратнинг фазли
 Белгиланган Кунда
 Юрагида бергай акс-садо.
 Шу тариқа Илоҳий Зухурнинг сири,
 Куч ва Ҳикмат Манбаи бўлмиш Зотнинг фазли орқали
 Барча учун нозил қилинди.”¹²

1. “Куйла” сўзининг маъноси нима? _____

2. Илоҳий оятларни қандай куйлашимиз керак? _____

3. “Қироат қилмоқ” иборасининг маъноси нима? _____

4. “Таратмоқ” сўзининг маъноси нима? _____

5. Куйимизнинг шираси руҳимизга қандай таъсир этади? _____

6. Куйимизнинг шираси ўзгалар қалбига қандай таъсир этади? _____

7-БЎЛИМ

Эҳтимол, сиз Баҳоуллоҳ томонидан нозил этилган дуодан олинган қуйидаги икки парчани ёдлашни хоҳласиз:

“Илоҳим! Илоҳим! Менинг умид ва амалларимга парво этма, арзу-самовотни қамраб олган иродатингни мендан дариғ тутма. Номи барча исмларнинг буюғи, ҳамма халқларнинг малиғи бўлмиш Раббим. Сенинг мақсудинг менинг ҳам мақсудим, Сенинг махбубинг менинг ҳам махбубим бўлғай!”¹³

“Сенинг ҳузурингда турганлар, Сенга яқин самоларга мушарраф бўлганлар ёки дарвозангни излаб юрган Сенга содиқ қалб қушлари зикрингни айтмоқ бўлсалар, Сен улардан-да юксакроқсан. Гувоҳлик бериб айтаманким, Сен барча сифотлардан муқаддас, жамийки исмлардан покдурсан. Сен каби Олий Маснадли ва Шон-шуҳратли Илоҳ йўқдур.”¹⁴

8-БЎЛИМ

Абдул-Баҳо таъкидлайдилар

“Банда учун Оллоҳга ибодат қилиш ва Ундан мадад тилаш, ҳамда илтижо қилиб, Унинг кўмагини ёлвориш жоиздир. Бандаликнинг мақоми шунда ва Рабб ҳар нени истаса, ўшани Ўз хоҳишига кўра ва Ўз тўлиқ ҳикматига мувофиқ ҳолда жорий этгай.”¹⁵

Ул Зот шундай тушунтиради

“Рух таъсир кучига эга; ибодат руҳий таъсирга эга. Шунинг учун ҳам, биз ‘Ё Оллоҳ, ушбу беморга шифо бахш эт!’ - дея дуо қиламиз. Шояд, Оллоҳ ибодатимизни ижобат айлагай. Ким ибодат қилганлигининг аҳамияти борми? Оллоҳ зарурий эҳтиёж билан боғлиқ бўлган ҳар бир бандасининг ибодатига жавоб беради. Унинг марҳаматига микёс ва чегара йўқ. У барча бандаларининг ибодатига жавоб беради. У, ҳатто, мана шу ўсимликнинг ибодатига ҳам жавоб беради. Ўсимлик ўз салоҳиятида ‘Ё Оллоҳ, менга ёмғир юбор!’ - дея ибодат қилади. Оллоҳ бу ибодатга жавоб беради ва ўсимлик униб-ўса бошлайди. Оллоҳ ҳаммага жавоб беради.”¹⁶

Ибодатимизда Оллоҳдан эҳтиёжларимизни қондиришини сўрашимиз табиий. Демак, биз ўз соғлигимиз, яқинларимизнинг соғлиғи учун дуо қиламиз, биз оилаларимизнинг руҳан ва моддий ривожини учун дуо қиламиз, шунингдек, биз ҳидоят тилаб дуо қиламиз. Биз хизмат йўлида, куч тилаб, иймон тилаб ва тасдиқ тилаб илтижо қиламиз. Оллоҳга ибодат қилар эканмиз, эсда тутишимиз керак бўлган нарса шуки, ўз мақсадимизни Унинг Иродаси билан мослаштиришдир. Шунинг учун биз Унинг Иродасини тилаб дуо қилишимиз ва ўзимизни тўла унга топширишга тайёр бўлишимиз керак. Абдул-Баҳонинг қуйидаги сўзларини ёд олсангиз, бу ҳар доим сиз учун шодлик ва ишонч манбаи бўлиб хизмат қилади:

“Эй, юзини Оллоҳга қаратган банда! Кўзингни барча нарсадан юмиб, Абҳо малакути сари қара. Ҳар не истасанг, Ундан иста, ва ҳар не сўрасанг, Ундан сўра. Бир назар ила юз минг ҳожатга раво бўлар. Ва бир илтифот ила юз минг дарди бедармонга даъво берар. Бир ишора ила яраларга малҳам бағишлар ва бир нигоҳ ила қўнғилларни ғамдан фориг айлар. Ҳар не қилса У қилар, биз не қила олардик. У Ўз иродасига кўра йўл тутар ва Ўз хоҳишига кўра буюрар. Бас, таслимга бош эгма, ундан кўра Раҳиймли Раббингга таваккул айла.”¹⁷

9-БЎЛИМ

Ҳозиргача ўрганиб чиққанларимиздан шу нарсани аниқки, ибодатда Оллоҳга юз тутиш руҳий ҳаётнинг муҳим талабидир. Айниқса, эрталаб уйғонган заҳотиёк ёки кечаси уйқудан олдин Оллоҳга қилинадиган ибодат нақадар ширин. Ҳар куни ибодат учун сарфлайдиган вақтимиз ва ўқийдиган дуоларимиз сони бизнинг эҳтиёжимизу, руҳий ташналигимизга боғлиқ. Ҳар бир вазият учун биз Боб, Баҳоуллоҳ ва Абдул-Баҳо томонидан нозил этилган кўплаб дуолардан танлаш имкониятига эгамиз. Чунончи, Баҳоуллоҳ учта кундалик фарз ибодатини нозил этганлар. Шавқий Эфпенди шундай дейдилар:

“Кундалик фарз ибодатларининг сони учта. Энг қисқаси бир оятдан иборат бўлиб, йигирма тўрт соат ичида бир маротаба туш пайтида ўқилади. Ўртачаси, яъни, “Раббим гувоҳим, Ундан Ўзга Илоҳ йўқ” деб бошланадигани, кунда уч маротаба, эрталаб, тушда ва кечқурун ўқилади. Ушбу ибодат муайян жисмоний ҳаракатлар ва ишоралар билан амалга оширилади. Узун ибодат, ҳар уччала ибодат ичидан энг мукаммали бўлиб, йигирма тўрт соат ичида бир марта, хоҳиш туғилган исталган пайтда ўқилиши керак.

Такводор киши ушбу уч намоз туридан бирини танлаб ўқиши мутлақо ихтиёрийдир, бироқ, улардан қай бирини ўқиса, шу ибодат ўқилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўлган махсус кўрсатмаларга риоя қилиши керак.”¹⁸

Шавқий Эфпенди яна шундай давом этадилар:

“Ушбу кундалик Фарз ибодатлари, «Шифо», «Аҳмадга бағишланган лавҳ» каби махсус ибодатлар билан бир қаторда, Баҳоуллоҳ томонларидан алоҳида таъсир кучи ва аҳамият билан сийланган бўлиб, улар ўзига хос эҳтиром билан қабул қилиниши ва такводорлар томонидан мутлақ эътиқод ва қатъият билан ўқилиши керак, токи, бу дуолар орқали Оллоҳ билан янада яқинроқ мулоқотга киришиш ва Унинг қонунлари ва амрларига ўзларини янада тўлароқ мувофиқлаштириш мумкин бўлсин.”¹⁹

Баҳоуллоҳ томонидан нозил этилган уч фарз ибодати ҳар бир киши томонидан шахсан алоҳида ўқилади. Кундалик фарз ибодатини жамоа бўлиб биргаликда, маълум расм-русумларга биноан ўқиш анъанаси Баҳойи Ўқоқидида мавжуд эмас. Баҳойи

қонунларида буюрилган ягона жамоа ибодати бу, жаноза ибодатидир. У дафн олдидан бир киши томонидан ўқилади, қолганлар эса сукут сақлашади.

1. “Фарз” сўзининг маъноси нима? _____

2. Баҳоуллоҳ томонидан нозил этилган кундалиқ фарз ибодатлари неча? _____

3. Фарз ибодатларидан ҳар уччовини ҳар куни ўқишимиз керакми? _____
4. Узун фарз ибодатини ўқийдиган бўлсак, уни кунда неча марта ўқишимиз керак? _____

5. Ўрта фарз ибодатини ўқишни танласак, уни неча марта ўқишимиз керак? _____
6. Қисқа фарз ибодатини танласак, неча марта ўқиш керак? _____
7. Алоҳида кучга эга махсус ибодатларни эслаб ўтинг: _____

8. Ҳалигача ёд олмаган бўлсангиз, қисқа фарз ибодатини ёдланг:
“Ё Оллоҳим гувоҳлик бераманки, Сен мени Сени билмоғим ва Сенга ибодат қилмоғим учун яратдинг. Ушбу дамда гувоҳлик бераманки, мен ожиз ва Сен Қувватлисан мен заиф ва Сен Қудратлисан мен фақир ва Сен Ғанийсан. Бало-қазода Сендан ўзга Мададкор, Абдий Бирубор Парвардигор йўқ.”²⁰
9. Ушбу ибодат орқали биз нимага гувоҳлик берамиз? _____

10-БЎЛИМ

Шуни ёдда тутишимиз керакки, фарз ибодати қонунига итоат қилишдан оладиган марҳаматлар ва бошқа дуоларни шахсан ўзимиз ўқиганимиздан оладиган озуқа билан бир пайтда, бизнинг руҳимиз катта-ю, кичик учрашувларда айтиладиган дуоларни тинглашдан ҳам юксалади. Баҳоуллоҳ шундай дейдилар.

“Мутлақ шодлик ва дўстликда йиғилиб, марҳаматли Тангри нозил этган оятларни ўқинг. Бунга амал қилар экансиз, ички моҳиятингиз қаршисида ҳақиқий билим дарвозалари очилади ва сиз, руҳингизнинг мустаҳкам бўлганини ва юрагингизнинг ёришган шодликка тўлганини сезасиз.”²¹

Дунё бўйлаб, Оллоҳ билан мулоқотда бўлиш учун, дўстлар ва қўшнилари билан биргаликда йиғилиб ўтказаётган дуо учрашувлари сонининг минг-минг марта кўпайиб бораётганини билишдан ҳаммамиз катта шодликка тўламиз. Умумжаҳон Адолат Уйи ёзади:

“Дуо учрашувлари ҳар қандай руҳга самовий ифторларни туйиш, ибодат лаззатини топиш, яратувчан илоҳий калом устида мушоҳада юритиш, руҳ қанотида парвоз этиш, ва ягона Маҳбуб билан мулоқот қилиш имконини яратади. Хусусан, бундай пайтларда табиий равишда содир бўладиган юксак маъноли суҳбатлар ва улар орқали “инсоний қалб шаҳарларининг” очилиши, ўртоқлик ва умумий иш ҳиссини туғдиради.”²²

Қачонки, ибодат қилишни истасак, биз дунёвий нарсалардан фикримизни тозалаш учун бир муддат жимликка чўмамиз. Ибодат пайтида эса, фикримизни фақат Оллоҳда жамлаймиз. Дуоларни ўқиб бўлгач, бир оз муддат жимлик сақлаб турамыз ва бирданига бошқа фаолиятга ўтмаймиз. Йиғилишларда бошқалар томонидан дуо ўқилганда ҳам, худди шундай йўл тутамиз. Бундай вазиятларда, биз ибодат ҳолатини сақлаймиз ва ўзимиз ўқимасакда, айтилаётган сўзларга қўшиламиз.

1. Илоҳий каломларни ўқиш учун йиғилганда, руҳимиз қандай ҳолатда бўлиши керак? _____

2. Илоҳий каломларни ўқиш учун биргаликда йиғилишнинг қандай таъсири бор? _____

3. Дуо учрашувлари ҳар бир руҳ учун берадиган имкон.
— _____ ,
— _____ ,
— _____ ,
— _____ ,
— _____ , ва
— _____ .
4. Дуо учрашувларида қандай ҳиссиётлар туғилади? _____

5. Дуо учрашувларида табиий равишда содир бўладиган юксак маъноли суҳбатларнинг қандай таъсири бор? _____

6. Танҳоликда ёки йиғилишларда бўлмайлик, ибодатга нисбатан кўрсатишимиз керак бўлган эҳтиромли муносабат ҳақида икки оғиз гап ёзинг.

11-БЎЛИМ

Мазкур китобнинг биринчи қисми, Битиклардан олинган парчаларни ҳар куни ўқиш уларнинг устида мулоҳаза юритиш одатига фикрни қаратган эди. Бу қисмда эса, сиз ибодатнинг аҳамияти ҳақида мулоҳаза юритдингиз ва натижада, кундалик ибодат қилиш одатини кучайтирддингиз. Олдинги бўлим, эътиборингизни биргаликдаги жамоавий ибодатларнинг муҳимлигига қаратди. Ҳозиргача ўрганган барча нарсалар, истайдиган бўлсангиз, сизни хизмат йўлидаги биринчи қадам учун, яъни дуо учрашувининг мезбони бўлишга тайёрлади.

Дастлабки қадам сифатида, бир неча дуони ёдлаб, уларни баъзи бир дўстларингиз билан бўлишиш имконини қараб чиқишингиз мумкин. Айни пайтнинг ўзида, жамоангиздаги дуо учрашувларидан бирида ўз иштирокингизни таъминлаб, уни иштиёқ билан қўллайдиганлар қаторида саналишингизга амин бўлинг. Бора-бора, ўз дўстларингиз, оила аъзоларингиз ва қўшнилариингизни ҳар замонда мунтазам равишда дуо ва ўртоклик учрашувлари учун йиғишга қарор қилишингиз мумкин. Мазкур курсдаги икки-уч иштирокчининг биргаликда бундай ибодат учрашувларини ўтказиши ҳам, ғайриоддий ҳол эмас.

Тасаввур қилганингиздек, бундай ибодат учрашувларини қандай ўтказиш ёки ташкил қилишнинг формуласи йўқ. Аммо, аниқки, дуолар айтиладиган, битиклардан парчалар ўқиладиган, руҳлантирувчи суҳбатлар ўтадиган - бундай дўстлар йиғилишида, буларнинг бари эътиборли даражада руҳий муҳитда амалга ошади. Дуо учрашуви мезбони сифатида, қуйидагиларнинг ҳар бири ҳақида бир неча жумла айта оласизми?

Меҳр-муҳаббат билан илиқ қилинган таклифлар: _____

Очиқлик билан пешвоз олишлик муҳитини яратиш: _____

Эҳтиромли муҳитни сақлаш: _____

Шод-хуррам дўстликни қўллаш: _____

Рухни юксалтирувчи суҳбатларни рағбатлантириш: _____

REFERENCES

1. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), XLIII, par. 4, p. 105.
2. Bahá'u'lláh, in *Trustworthiness: A Compilation of Extracts from the Bahá'í Writings*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (London: Bahá'í Publishing Trust, 1987), no. 21, p. 5.
3. *The Call of the Divine Beloved: Selected Mystical Works of Bahá'u'lláh* (Haifa: Bahá'í World Centre, 2018), no. 2.43, p. 31.
4. From a talk given on 5 May 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace: Talks Delivered by 'Abdu'l-Bahá during His Visit to the United States and Canada in 1912* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2012), p. 127.
5. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2003, 2012 printing), Arabic no. 13, pp. 6–7.
6. From a letter dated 8 December 1935 written on behalf of Shoghi Effendi, published in *Prayer and Devotional Life: A Compilation of Extracts from the Writings of Bahá'u'lláh, the Báb, and 'Abdu'l-Bahá and the Letters of Shoghi Effendi and the Universal House of Justice*, compiled by the Research Department of the Universal House of Justice (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2019), no. 71, p. 31.
7. Words of 'Abdu'l-Bahá, cited by J. E. Esslemont, *Bahá'u'lláh and the New Era: An Introduction to the Bahá'í Faith* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2017 printing), p. 106.
8. Ibid.
9. Bahá'u'lláh, in *Bahá'í Prayers: A Selection of Prayers Revealed by Bahá'u'lláh, the Báb, and 'Abdu'l-Bahá* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2002, 2017 printing), pp. 7–8.
10. Ibid., p. 9.
11. Words of 'Abdu'l-Bahá, cited in *Star of the West*, vol. 8, no. 4 (17 May 1917), p. 41.
12. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, CXXXVI, par. 2, p. 334; also, in *Bahá'í Prayers*, p. iii.
13. Bahá'u'lláh, in *Bahá'í Prayers*, pp. 8–9.
14. Ibid., p. 12.
15. 'Abdu'l-Bahá, in *Prayer and Devotional Life*, no. 24, p. 7.

16. From a talk given by ‘Abdu’l-Bahá on 5 August 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace*, p. 345.
17. *Selections from the Writings of ‘Abdu’l-Bahá* (Wilmette: Bahá’í Publishing, 2010, 2015 printing), no. 22.1, pp. 75–76.
18. From a letter dated 10 January 1936 written on behalf of Shoghi Effendi, published in *Prayer and Devotional Life*, no. 61, p. 25.
19. From a letter dated 10 January 1936 written on behalf of Shoghi Effendi, quoted in *Bahá’í Prayers*, p. 301.
20. Bahá’u’lláh, in *Bahá’í Prayers*, p. 4.
21. Bahá’u’lláh, in *Prayer and Devotional Life*, no. 68, p. 29.
22. From a message dated 29 December 2015, published in *Framework for Action: Selected Messages of the Universal House of Justice and Supplementary Material, 2006–2016* (West Palm Beach: Palabra Publications, 2017), no. 35.49, p. 232.



Ҳаёт ва Ўлим

Мақсад

Ҳаёт, фақат бу дунёдаги ўзгаришлар ва
тасодифлардан иборат эмаслигини,
унинг ҳақиқий моҳияти руҳнинг тараққий этишида
эканлигини англаб етиш

1-БЎЛИМ

Инсон руҳи моддадан ва жисмоний оламдан юксакдир. Абдул-Баҳо суҳбатлардан бирида шундай тушунтирганлар:

“Бу жисмоний вужуд атомлардан ташкил топган; мазкур атомлар ажралиб, парчалана бошлаганда, биз ўлим деб атаганимиз содир бўлади...”

Рухга келганда, бу ўзгача. Рух унсурлар бирикмаси эмас, у қўплаб атомлардан ташкил топмаган. У бир яхлит бўлинмас субстанция ва шу сабаб, абадий. У моддий яралмиш тартибидан мутлақ ташқарида; у маҳв бўлмас.”¹

1. “ташкил топган” иборасининг маъноси нима? _____
2. Инсон руҳи худди жисмоний вужуд каби қўплаб унсурлардан ташкил топганми? _____
3. Инсон руҳи жисмоний бирикмами? _____

2-БЎЛИМ

Муҳофиз томонидан ёзилган мактубда “инсон руҳи урчиш пайтида вужудга келади.”² деб айтилган. “Урчиш” сўзининг маъносини тушунтириш учун Умумжаҳон Адолат Уйи шундай ёзади:

“Баҳойй Битикларида «урчиш» деб таърифланмиш ҳодисанинг табиати ёки биологик лаҳзасини яққол аниқлаб берувчи ҳеч нарса топилмади. Иборанинг тиббий маънода ишлатилиши ҳам маълум бўлишича, буни аниқ белгилаб беролмайди. Дарҳақиқат, урчиш сўзининг бир маъноси, уруғланишнинг маъносига тўғри келади; бошқа бири эса, уруғланиш ва имплантациядан сўнг содир бўладиган ҳомила деб қаралади. Шу сабаб, руҳнинг қачон моддий шаклга қўшилишини билишнинг имкони йўқ ва бу каби саволлар инсон тафаккури учун ечимсиз, чунки улар руҳий оламнинг ва руҳ табиатининг сир-асрорларига оиддир.”³

1. Инсон руҳи қачон пайдо бўлади? _____
2. Урчиш сўзи маълум ва аниқ биологик лаҳзани ифода этадими? _____

3-БЎЛИМ

Рух ва вужуд ўртасидаги боғлиқлик моддий эмас; рух вужуднинг ичига крмайди ёки ундан ташқарига чиқмайди ва жисмоний макон эгалламайди. Унинг вужуд билан бўлган алоқаси кўзгуда акс этадиган нурга ўхшайди. Кўзгудаги нур унинг ичида эмас. Худди шундай, рух ҳам вужуднинг ичида эмас. Абдул-Баҳо этироф этганларидек.

“Идрокли рух, ёхуд инсон руҳияти ушбу вужудга боғлиқ бўлмаган равишда яшайди, яъни, у унинг ичига крмайди; зеро, боғлиқлик ва дохил бўлмоқлик вужуд хусусиятларидан, идрокли рух булардан покдир. Унинг пайдо бўлиши ҳеч қачон вужуд ичидан бошланмаган, шу сабаб у, ундан ажралгач, ҳеч қандай қароргоҳга муҳтож бўлмайди. Боринки, рух ва вужуд ўртасидаги алоқа мана бу чироқ билан ойна ўртасидаги бўлган алоқага ўхшаш. Агар ойна яхши артилиб, комилликка етказилган бўлса, унда чироқ нури пайдо бўлади ва агар, ойна синик ва чанг остида бўлса, нур ниҳонлигича қолади.”⁴

1. Қуйидаги гапларда бўш қолдириб кетилган жойларни тўлдилинг.
 - а. Идрокли рух, ёхуд _____ ушбу вужудга боғлиқ бўлмаган равишда яшайди, яъни, у _____ крмайди.
 - б. _____, ёхуд инсон руҳияти вужуднинг ичига крмайди, зеро, боғлиқлик ва дохил бўлмоқлик _____, идрокли рух _____.
 - в. Рух ҳеч қачон _____ бўлмаган, шу сабаб, ундан ажралгач, _____.
 - г. Рух ва вужуд ўртасидаги алоқа _____ ва _____ ўхшаш.
 - д. Агар ойна тозаланган ва мукамал бўлса, _____ акс этади.
 - д. Агар ойна синик ва чанг қоплаган бўлса, _____.
2. Ҳозиргача ўрганганимизга асосланиб, қуйидаги фикрларнинг тўғри эканлигини аниқланг:
 - _____ Рух моддий оламга тегишли эмас.
 - _____ Рух вужуд ичида.
 - _____ Вужуд руҳнинг эгаси.
 - _____ Рух ўлмас.

- _____ Шахснинг ибтидоси руҳ ҳомила билан боғлиқлик ўрнатганида бошланади.
- _____ Шахс бу дунёга туғилганида, ҳаёт бошланади.
- _____ Шахснинг моддий мавжудлиги ўлимдан кейин давом этади.
- _____ Ҳаёт биз билан ҳар куни содир бўладиган нарсалардан иборат.

3. Чироқ ва ойна мисолидан фойдаланиб, руҳ ва вужуд ўртасидаги муносабатни тасвирланг: _____
- _____
- _____
- _____
- _____

4-БЎЛИМ

Инсонни ташкил этувчи руҳ ва вужуд ўртасида маълум бир ўзига хос муносабат мавжуддир. Бу муносабат фақат заминий ҳаёт мобайнида давом этади. Улар орасидаги бу муносабат барҳам топгач, улардан ҳар бири ўз ибтидосига, яъни, вужуд ҳок оламига, руҳ эса, Илоҳий руҳий оламларга қайтади, қайдаким, ўз ривожига давом этади. Абдул-Баҳо таъкидлайдилар:

“Инсон руҳининг ибтидоси бору, интиҳоси йўқ: У абадий яшайди.”⁵

Ўз суҳбатларидан бирида яна шундай дейдилар:

“Руҳ вужудга муҳтож эмас, аммо вужуд руҳга муҳтож, унингсиз, у, яшай олмайди. Жон танасиз ҳам яшайди, аммо тана жонсиз ўлади.”⁶

Муҳофиз тушунтирадилар:

“Инсон руҳига келганда, Баҳой Таълимотига биноан, инсон руҳи, ҳомила шаклланиши пайтида бошланиб, вужуддан ажралгач, мавжудликнинг чексиз босқичлари орқали ўтади ва ўз ривожига давом этади. Шу тариқа унинг ривожланиши интиҳосиз.”⁷

1. Юқоридаги иқтибосларни ёдда тутган ҳолда, қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- а. Вужуд руҳга муҳтожми? _____
 - б. Руҳ вужудга муҳтожми? _____
 - в. Биз ўлганимизда, вужуд ва руҳ ўртасидаги алоқа билан нима юз беради?

- г. Ўлимдан кейин руҳ билан нима содир бўлади? _____

- д. Руҳнинг тараққий этиши қанчалик узоқ давом этади? _____

- е. Ҳаёт қачон тугайди? _____

2. Қуйида баён этилган фикрлардан қай бири мазкур бўлимда ўрганганимизга мувофиқ:

- _____ Ўлим, бу жазо.
- _____ Вужуд ва руҳ ўртасидаги алоқа фақат заминий ҳаёт мобайнида давом этади.
- _____ Вужуд абадий тараққий этишга қодир.
- _____ Руҳ доим ривожланади.
- _____ Ўлим ҳаётнинг охиридир.
- _____ Савол жавоб куни келганда, бизнинг вужудимиз қайта тирилади.
- _____ Ўлимдан сўнг, руҳ олдингига нисбатан кўпроқ эркин бўлади.
- _____ Ҳаёт ўлим билан тугайди.
- _____ Биз ўлимдан қўрқиб қолдик.
- _____ Руҳнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, кўнглихушлик ва ҳордиқ чиқаришга эҳтиёжи бор.
- _____ Вужуд ўз энергиясини ишлатиб бўлгач, руҳ чарчайди.
- _____ Вужуднинг касаллиги ёки заифлиги руҳга таъсир этмайди.
- _____ Инсон мавжудлиги ўлимдан сўнг ҳам жисмоний эҳтиёжларга эга бўлади

5-БЎЛИМ

Биз руҳнинг жисмоний макон эгалламаслиги ва моддий жисмлар каби табиат қонунларига биноан фаолият юритмаслигини кўриб ўтдик. Руҳ вужуд воситасида дунёга таъсир кўрсатади, аммо руҳ учун ўз кучини намоён этишда, бу ягона восита эмас. Баҳоуллоҳ баён этадилар:

“Ҳақ айтурманки, инсон руҳи ҳар қандай олдинга ёки ортга бўлган ҳаракатдан юксак. У сокин, ваҳоланки парвозда; у бир пайтнинг ўзида ҳам ҳаракатда ва ҳам ҳаракатсиздир.”⁸

Абдул-Баҳо айтадилар:

“Билингки, инсон руҳининг таъсир кўрсатиши ва қабул қилиши икки хил бўлади; инсон руҳи таъсир ва тушунчанинг икки усулига эга. Биринчиси - вужуд воситаси ва аъзолари орқали. Яъни, кўз орқали кўради, қулоқ билан эшитади, тил билан сўзлайди.

Рухнинг бошқа таъсир ва фаолият кўрсатиш усули ушбу жисмоний восита ва аъзоларсиздир.”⁹

1. Саволлар:
 - а. Инсон руҳи ҳар қандай _____ ёки _____ бўлган ҳаракатдан юксак.
 - б. У _____, ваҳоланки _____.
 - в. У бир пайтнинг ўзида ҳам _____, ва ҳам _____.
2. Инсон руҳининг ушбу дунёда таъсир ва фаолият кўрсатишининг икки усулини таърифланг: _____

3. Тана воситаларисиз руҳ таъсири ва фаолиятига мисол келтира оласизми?

6-БЎЛИМ

Энди эса, олдинги бўлимлар муҳокамаси нури остида, Баҳоуллоҳ Битикларидан келтирилган қуйидаги парчани ўқинг:

“Билингки, инсон руҳи вужуд ёки ақл заифликларидан юксак ва мустақилдир. Касал одамнинг беморлик аломатларини кўрсатиши, мохиятан, унинг вужуди ва руҳи ўртасида пайдо бўладиган тўсиқлар оқибатидандир, чунончи, руҳнинг ўзига ҳеч қандай жисмоний иллатлар таъсир этмайди. Чирок нуруни тасаввур этинг. Унинг ёруғлигини бирон бир ашё тўсиши мумкин, ҳолбуки нурнинг ўзи туганмас равишда таралишда давом этаверади. Шу йўсинда, инсон танасига озор берган ҳар қандай касаллик, руҳга ўз куч-қудратини намоён этишида ҳалал берувчи тўсиқдир. Рух танани тарк этгач, у заминда тенги йўқ таъсир кучини намоён этади. Ҳар қандай покиза, тақволи ва мунаввар руҳ мислсиз қудратга эга бўлади ва чексиз сурур ила шодланади.”¹⁰

1. Қандай қилиб руҳ, вужуд ва ақл заифликлари томонидан таъсирсиз қолиши ва бу унинг танани тарк этганидан сўнг равшан бўлишини ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг.

2. Жисмоний танамиз ўлимидан сўнг, биз ўз индивидуаллигимизни сақлаб қоламизми? _____

7-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Энди инсон руҳи ва унинг ўлимдан кейинги мавжудлиги ҳақидаги саволингга келайлик. Шунинг ҳақи билгинким, руҳ ўз вужудини тарк этгандан кейин, то Оллоҳнинг Даргоҳига эришмагунча ўз ривожда шунақанги мақом ва ҳолатда давом этадики, асрлар ва юзйилликлар чархи, ушбу олам тасодиф ва ўзгаришлари унга зинҳор таъсир кўрсатолмайди. То Оллоҳ Салтанати, Унинг ҳукмронлиги, Унинг ҳукми ва қудрати мавжуд экан, руҳ мавжуд бўлиб қолаверади. У Тангри аломатлари ва Унинг фазилатларини намоён қилади, Унинг раҳматини ва Унинг саховатини зоҳир қилади.”¹¹

1. Жисмоний ўлимдан сўнг, руҳ қанча муддат ривожланади? _____

2. Руҳ қандай ҳолатда Оллоҳ ҳузури сари ўз саёҳатини давом эттиради?

3. Бундай ҳолатда руҳ намоён этадиган баъзи хусусият ва аломатларни санаб ўтинг?

4. Ҳозиргача ўрганган нарсаларимиз асосида, қуйидагиларнинг тўғрилигини аниқланг:

- _____ Илоҳий Салтанат абадий давом этади.
- _____ Руҳ Оллоҳ сифатларини намоён этиш қобилиятига эга.
- _____ Вафот этганлар учун айтган дуоларимиз, улар руҳининг ривожига таъсир этмайди.
- _____ Руҳ ҳеч қачон мавжудликдан тўхтамайди.

8-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Билгинким, покиза ва доғ тушмаган ҳар қандай зийрак қулоқ соҳиби ҳамиша ва ҳар томондан қуйидаги муқаддас сўзларни эшитмоғи даркор: ‘Дарҳақиқат, биз Оллоҳданмиз ва Унга қайтамиз’. Инсоннинг жисмоний ўлими ва унинг қайтиш сири ҳали очилгани йўқ ва номаълум қолмоқда...

Ўлим ҳар қандай қатъиятли/имонли мўмин кишига, аслида/асл ҳаёт қадаҳини тутқазади. У шод-хуррамлик инъом этади ва сурур олиб келади. Унда мангу давом этадиган ҳаёт тухфаси бордир.

Ягона Барҳақ Оллоҳга, Унинг Шон-шавкати зиёда бўлсин, иймон келтирмоқликдек, инсон ҳаётининг заминий мавжудлик мевасидан тотганларга келганда, уларнинг кейинги ҳаётини таърифлашга Биз кодир эмасмиз. Бу, барча оламлар Рабби бўлмиш фақат Оллоҳга аёндир.”¹²

“Эй, Олий Мақом Ўғли! Ўлимни сенинг учун бир шодлик муждаси этиб тайинладим, нега ундан ғусса чекасан? Нурни сенга зиё сочмоқ учун яратдим, нега ундан яширинасан?”¹³

1. Қуйидаги гаплардан қай бири тўғри?

- _____ Инсон руҳи Оллоҳдан келади ва Унга қайтади.
- _____ Ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақидаги барча билим Оллоҳда.
- _____ Қатъиятли мўмин учун ўлим ҳаётдир.
- _____ Ўлим, сурур даракчиси.
- _____ Ўлим сирлари ҳаммага ошкор.
- _____ Биз ҳаёт инъомларини қадрлашимиз билан бирга, ўлимдан ҳам кўркмаслигимиз керак, чунки у сурур даракчиси.
- _____ Биз учун ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида билиш муҳим эмас.

2. Энди эса, мазкур бўлимларда ўрганганларимизни ёдда тутган ҳолда, ҳаёт, ўлим, вужуд ва руҳ ҳақида қисқа бир абзац ёзинг.

This image shows a blank sheet of white paper with horizontal ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There are no margins, text, or other markings on the paper.

9-БЎЛИМ

Абдул-Баҳо айтадилар:

“Инсон ўз ҳаётининг бошида она қорнида ҳомила ҳолида бўлиб, ўша ерда у, ушбу дунё сари тараққий этиши учун қобилият ва лаёқатни ривожлантиради. Ўша шароити чегараланган дунёда, у, ушбу жаҳон учун зарур бўладиган куч-қувватга эга бўлади. Бу оламда унинг учун керак бўлган кўзни, у, ҳомила оламида ҳосил этади. Бу оламда унинг учун керак бўлган кулоққа, у она қорнида эга бўлади. Бу оламда керак бўладиган куч-қувватларнинг бариға, у она қорнида эришади. Ўша жойда у, ушбу олам учун тайёрланади ва мазкур оламга келганида, кўрадики, барча зарурий куч-қувват унга муҳайё, бу оламдаги ҳаёт учун лозим бўлган барча тана аъзоларию органларига олдинги оламда эга бўлинган. Демак, ушбу дунёда ҳам, инсон ўзини келгуси ҳаётга тайёрлаши керак. Самовий Салтанатда неки лозим бўладиган бўлса, уларни бу ерда эгаллаш лозим. Ҳомила ушбу дунё учун керак бўлган хусусиятларни она қорнида эгаллаб боргани каби, инсон ҳам, ушбу дунёда келгуси руҳий Салтанатда яшаши учун шарт бўлган сифатларни эгаллаши лозим.”¹⁴

1. Қуйидаги таъкидлар тўғрими:

Ушбу дунё учун лозим бўлган барча кучларга она қорнида эга бўлинади.

- _____ Келгуси ҳаётга тайёргарлик кўришнинг ҳожати йўқ.
- _____ Салтанат учун лозим бўладиган нарсаларни ўша ерда олиш мумкин.
- _____ Ушбу ҳаётнинг мақсади навбатдаги дунё ҳаёти учун керакли кучларни эгаллашда.
- _____ Киши оламдан ўтиб, илоҳий Салтанатга дохил бўлганида ҳақиқий ҳаёт бошланади.
- _____ Ҳақиқий ҳаёт ушбу дунёда бошланиб, жисмоний ўлимдан сўнг давом этади.
2. Она қорни дунёсида инсоний мавжудот эга бўладиган баъзи қобилиятларга нималар киради?
- _____
- _____
3. Ўлимдан кейинги ҳаёт учун бу ерда эгаллашимиз керак бўлган қимматликларга нималар киради?
- _____
- _____

10-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Ушбу Кундаги инсоннинг асл бурчи – Оллоҳ унинг учун ёғдирган файзу марҳамат оқимидан ўз улушини ола билишдир. Бинобарин, идишнинг катта ёки кичиклигига қараманг. Бировларнинг улуши бир ҳовучга жойлашса, бошқаларнинг улуши бир косани, яна бошқа бировларники эса, бутун бир кўзани тўлдиради.”¹⁵

1. Юқоридаги иқтибос нурида қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- а. Ушбу Кунда ҳар бир шахснинг бурчи нимада? _____
- _____
- б. Сизнинг Оллоҳдан олган неъматларингиздан баъзиларига нималар киради?
- _____
- _____
- в. Юқоридаги иқтибосда “идиш” сўзи нимага таалукли? _____
- _____

г. Нима учун биз, ўзимиз сийланган қобилиятларнинг “катта ёки кичиклиги”га қарамаслигимиз керак? _____

д. Илоҳий неъматлардан ўз улушимизни олишга монелик қиладиган баъзи нарсаларга нималар киради? _____

2. Қуйидагилардан қай бири тўғри?

_____ Қобилиятимизнинг “катта ёки кичиклиги” бизнинг қанчалик ақлли эканлигимизга тегишли.

_____ Оллоҳга хизмат қилиш учун биз ўз заифлигимизни унутишимиз ва тўласинча Унга ишонишимиз керак.

_____ Агар бу дунёда Оллоҳ бизга ато этган қобилиятларни ривожлантирмасак, келаси дунёда бизнинг руҳларимиз заиф бўлади.

11-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Сен Мендан руҳнинг табиати ҳақида сўрадинг. Ҳақ билким, руҳ энг аллома кишилар ҳам моҳиятига ета олмайдиган, қанчалар зеҳнли бўлмасин энг ўткир ақл ҳам сир-асрорини еча олмайдиган Оллоҳнинг белгиси, самовий жавоҳирдир. Барча яралганлар орасида биринчи бўлиб, у ўз Яратувчисининг мукамаллигини эълон этади, биринчи бўлиб, Унинг шон-шавкати эътироф қилади, Унинг ҳақиқатини маҳкам ушлайди ва Унга мафтунликла сажда қилади.”¹⁶

1. Жумлаларда бўш қолдирилган жойларни тўлдилинг:

а. Руҳ Оллоҳнинг _____.

б. Руҳ энг аллома кишилар ҳам _____ ета олмайдиган, қанчалар зеҳнли бўлмасин энг ўткир ақл ҳам _____ Оллоҳнинг белгиси, _____ дир.

в. Руҳ _____ ўз _____ эълон этади.

- г. Рух биринчи бўлиб, Оллоҳнинг шон-шавкати _____.
- д. Рух биринчи бўлиб, Оллоҳнинг ҳақиқати _____.
- е. Рух биринчи бўлиб, Оллоҳга _____.

2. Қуйидагилардан қай бири тўғри?

- _____ “Еча олмайди” ибораси аниқлай олмасликни билдиради.
- _____ Барча яралмиш ичидан биринчи бўлиб инсон онги Оллоҳни танийди.
- _____ “Зеҳнли” ибораси ўткир маъносини билдиради.
- _____ Олим бўлган киши руҳнинг сир-асрорини тушунади.
- _____ Фақатгина буюк файласуфлар Оллоҳ мукаммалигини баён эта оладилар.
- _____ Рух ҳақида ўйлаш керак эмас, барибир ҳеч қачон уни тушуна олмаймиз.

12-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Сиз бир қуш каби сизки, у, ўз қудратли қанотларини кенг ёзиб чексиз самоларда парвоз этади ва сўнгра, очлигини қондириш учун тубандаги заминнинг сув ва тупроғига қайтишга мажбур бўлади, лекин ўз хирсу хоҳишлари тузоғига тушгани сабаб, учиб келган самоларига қўтарилиш учун ўзида мажол тополмайди. Булғанган қанотларидаги юкни силкитиб ташлашга ҳолсиз, бир пайтлар самоларни маскан тутган бу қуш, эндиликда, лой-тупроқни маскан тутишга мажбур. Шунинг учун, эй Менинг бандаларим, қанотларингизни худбин ва пуч истаклар лойқаси билан булғаманг, уларни ҳасад ва нафрат чангидан асранг, зотан, Илоҳий илмим самоларига учинингиз учун ҳеч нарса тутқунлик қилмасин.”¹⁷

1. Жумлаларни тўлдилинг.

- а. Баҳоуллоҳ бу иқтибосда баён этган қуш инсоннинг _____.
- б. Бу қуш _____ макон тутгандир.
- в. Қанотлари булғанган бу қуш эндиликда _____ маскан тутишга мажбур.

2. Қуйидаги саволларга жалоб беринг:

- а. Рухнинг “қанотлари” қандай қилиб “булғаниши” мумкин? _____
- _____
- _____

б. “Дунёвий заминнинг суви ва тупроғи” тариқасида руҳ қанотларини оғирлаштирадиган юкларга мисоллар келтиринг? _____

в. Илоҳий илм самолариға юксалишимиз учун нималар тўсқинлик қилиши мумкин? _____

г. Нега руҳ ўз илоҳий маконини бу дунёнинг тупроғига алмаштиради? _____

3. Куйидаги таъкидларнинг тўғрилигини аниқланг:

_____ Дунёвий боғлиқлар бизнинг руҳий ривожимизга тўсқинлик қилади.

_____ Бизнинг бепарволигимиз ва беҳуда истакларимиз илоҳий илм самолариға парвоз этишдан сақлайди.

_____ Ҳасад ва нафрат инсоннинг табиий хусусиятлари бўлиб, уларнинг руҳ учун ҳеч қандай оғирлиги йўқ.

_____ Биз бу дунёга хос нарсалардан воз кечиш орқали чексиз самоларга парвоз қилишимиз учун ҳалал берадиган юклардан ҳалос бўлишимиз мумкин.

_____ Бу дунё руҳнинг уйидир.

13-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Ўз бепоён ва буткул қудратли Иродасининг бевосита таъсири орқали оламни ва унда яшайдиган, ҳаракат қиладиган барча нарсаларни яратар экан У, инсонга ўзига хос ягона бир фазилат ва такрорланмас қобилият – Уни англаш ва Уни севиш қобилиятини ато этмоқ истади, бу қобилиятга коинотнинг асосини ташкил этган дастлабки туртки, илк сабаб деб қарамоқ лозим ... Зеро, У яратилган ҳар бир ашёнинг ички нихон моҳиятига ўз исмларидан бирининг шуъласини тўкди ва уни ўз сифатларидан бирининг шон-шавкат ворисига айлантирди. Инсоннинг ички моҳиятига эса, У ўзининг барча исмларининг ёғдусини ва ўзининг жамийки сифатларини йиғди ва инсонни ўз моҳиятининг кўзгусига айлантирди. Барча яралмишлар орасида фақат инсонгина ана шундай фазли азимга ва марҳамати қадимга нойил бўлди.”¹⁸

1. Қуйида бўш қолдирилган жойларни тўлдилинг.
- а. Оллоҳ инсонга ўзига хос ягона бир фазилат ва такрорланмас қобилият _____ истади.
- б. У яратилган _____ ашённинг ички ниҳон моҳиятига ўз исмларидан _____ тўкди ва уни ўз сифатларидан бирининг шон-шавкат _____ .
- в. Инсоннинг ички моҳиятига эса, У ўзининг барча исмларининг ёғдусини _____ сифатларини йиғди ва _____ , моҳиятининг кўзгусига айлантирди.
2. Энди эса қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- а. Оллоҳнинг баъзи сифатларига мисол келтира оласизми? _____

- б. Инсон руҳи намоён эта оладиган Оллоҳнинг баъзи сифатларини айтиб ўтинг?

- в. Бу сифатлар қай тариқа намоён бўлиши мумкин? _____

- г. Инсон қандай ўзига хос бир марҳаматга нойил бўлган? _____

3. Қуйидагилардан нима тўғри?
- _____ Инсон бошқа яратилмиш мавжудотлардан фарқ қилмайди.
- _____ Оллоҳни англаш ва севиш қобилияти, бу ҳаётбахш манба ва бутун яратилмишнинг негизида ётадиган асосий мақсад.
- _____ Ҳар қандай яратилмишнинг моҳияти, бирон бир илоҳий сифатга ворисдир.
- _____ Инсон руҳи барча илоҳий сифатларни намоён эта олади

14-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Ҳидоят Субҳи ва иноят Қуёши томонидан инсон табиатига ато этилган қувватлар ўз муддати етгунича, худди шамда шуъла ва чироқда нур яшириниб ётгани каби, инсон ботинида мудраб ётади. Бу қувватлар, ёғдуси чанг ва ғубор босган кўзгуга тушган қуёш нурлари хира тортигани каби, дунёвий иштиёқлар таъсиридан хира тортиши мумкин. На шам ва на чироқ ўз-ўзидан ёнмайди, бинобарин, кўзгу ҳам ўзини қоплаган ғубордан ҳеч қачон ўз-ўзича поклана олмайди. Аниқ-равшанки, агар ўт ёқилмаса, чироқ ҳеч қачон ёнмайди, агар кўзгу юзасидаги ғубор артиб ташланмаса, унда ҳеч қачон қуёш акси, унинг нури ва ёғдуси акс этмайди.”¹⁹

1. Мудрамок” сўзининг маъноси нима? _____

2. Инсон руҳида яширин ётган қандай қобилият бор? _____

3. Чироқ қандай салоҳиятга эга? _____
4. Кўзгу қандай салоҳиятга эга? _____
5. Чироқ ёруғлик сочиши учун нима қилиш керак? _____

6. Кўзгуда нур акс этиши учун нима қилиш керак? _____

7. Чироқ ва кўзгу ўз салоҳиятларини ўз-ўзларича намоён эта оладиларми? _____
8. Қандай қилиб бу икки мисол, инсон руҳининг ҳолатига тегишли бўлишини кўришимиз мумкин? _____

9. Ким инсон руҳига ўз салоҳиятини намоён этиришида ёрдам бера олади? _____

15-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Мангу Моҳият ҳақидаги билимлар дарвозаси инсонлар учун ҳамиша берк бўлган ва шундай бўлиб қолади. Инсоний идрок ҳеч қачон Унинг муқаддас даргоҳига ета олмайди. Бироқ, Ўз марҳаматининг белгиси ва Ўз мурувватининг исботи сифатида У, одамларга Ўз илоҳий ягоналигининг рамзлари бўлмиш, илоҳий раҳнамоликнинг Кундузги Юлдузларини намоён этди ва амр этдиким, ушбу Муқаддас Зотларни билмоқ - Унинг Ўзини билмоқ демак. Уларни эътироф этганлар, Оллоҳни эътироф этганлардан бўлғайлар. Уларнинг даъватини эшитганлар, Оллоҳ Овозини эшитганлардан бўлғайлар. Улар Зухурларининг ҳақлигига гувоҳлик берганлар, Оллоҳнинг Ўзи ҳақлигига гувоҳлик берғайлар. Уларга ишонмаганлар, Оллоҳга ишонмаганлардан бўлғайлар. Уларнинг ҳар бири, бу дунёни олий даргоҳ билан боғлаб тургувчи Илоҳий Йўл, замину само салтанатларидаги барча учун Илоҳий Ҳақиқат Туғи. Улар одамлар орасидаги Оллоҳ Мазҳари, Оллоҳ Ҳақиқатининг далили ва Унинг Шон-шавкат нишонасидирлар.”²⁰

1. Юқоридаги иқтибосни ёдда тутган ҳолда қуйидаги саволларга жавоб беринг:
 - а. Оллоҳни бевосита билишимиз мумкинми? _____
 - б. Оллоҳни қай тариқа билишимиз мумкин? _____

 - в. Илоҳий ҳидоят Кундузги Юлдузларидан баъзиларини айта оласизми? ____

 - г. Илоҳий Мазҳарларни эшитганлар кимни эшитди демак? _____

 - д. Илоҳий Мазҳарларнинг даъватига кулоқ тутмасак, кимдан юз ўгирган бўламиз? _____
2. Қуйидаги гапларни тўлдилинг:
 - а. Мангу Моҳият ҳақидаги билимлар дарвозаси инсонлар учун ҳамиша, _____ ва _____ .
 - б. Инсоний идрок ҳеч қачон _____ ета олмайди.
 - в. Ўз марҳаматининг _____ ва Ўз мурувватининг _____ сифатида У, одамларга Ўз илоҳий ягоналигининг рамзлари бўлмиш, илоҳий _____ намоён этди.

- г. Муқаддас Зотларни билмоқ - _____
 _____ билмоқ демак.
- д. Уларни эътироф этганлар, _____ .
- е. Уларнинг даъватини эшитганлар, _____ бўлғайлар.
- ж. Уларнинг ҳар бири, бу дунёни олий _____
 _____ тургувчи Илоҳий Йўл.

3. Қуйидагилардан нима тўғри?

- _____ Биз фақатгина ўз уринишларимиз орқали руҳан ўсамиз.
- _____ Оллоҳ бизга берган ақл-идрок бизга тараққий этишимиз учун етарли.
- _____ Оллоҳ Мазҳарини тан олсак, биз руҳан ўсамиз, бошқа ҳеч қандай саъй-ҳаракат қилиш керак эмас.
- _____ Биз Оллоҳ Мазҳарини тан олиш ва Унинг таълимотига биноан яшашга ҳаракат қилиш орқали руҳан ўсамиз.
- _____ Биз Оллоҳни тўғридан-тўғри, бевосита тан олишимиз мумкин.
- _____ Инсон худди Оллоҳдек бўлиши мумкин.
- _____ Оллоҳ инсоний идрокдан юксак.
- _____ Мазҳарларнинг каломларини тинглар эканмиз, Оллоҳ Овозини тинглаган бўламиз.

16-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ баён этадилар:

“Оллоҳнинг Набийлари ва Расуллари инсониятни Ҳаққнинг тўғри Йулига ҳидоят этишдек ягона мақсад билан юборилгандирлар. Улар Зухурларининг асосий вазифаси, инсон наслини тарбия этишдир, токи ўлим соатида улар, мутлақ поклигу муқаддаслик ва буткул инқитоъ ила Арши Аълога рихлат этсинлар.”²¹

Бошқа бир жойда Ул Зот шундай дейдилар:

“Инсон азийм тилсимдир. Валекин, зарурий таълим-тарбиясиз қолиши, уни туғилганидан ўзида бор бўлган хоссалардан махрум этади. Илоҳий калом ила у ломакондан чақирилди, кейинги калом, уни ўз тарбиятининг Манбаини тан олиш сари йўллади, ва яна бошқа бир калом эса, унинг мартабаси ва мақомини ҳимоя этди. Олий Моҳият айтади: “Инсонга бебаҳо жавоҳирларга тўла кон сифатида қара. Фақат маърифатгина, ушбу хазинани юзага чиқариши ва инсон оламига ундан ўз манфаати учун фойдаланишда ёрдам бериши мумкин”. Гар киши аҳадият самоларидан

илохий Ирода нозил этган Китобларда нелар битилганлиги ҳақида мушоҳада этса, у шу лаҳзадаёқ идрок этадики, уларнинг мақсади – жамийки инсонларни ҳамма бир тану-жон деб ҳисоблашга ўргатиш, “Оллоҳ Салтанати Яқинлашиб келмоқда” деган сўзларнинг ҳар бир юракда муҳрланиб қолишини уқтиришдир, токи Иноят Қуёши ва фазлу раҳмат нури бутун башариятни қамрасин.”²²

1. Илоҳий Пайғамбар ва Элчилар нима мақсадда юборилганлар? _____

2. Улар Зухурларининг асосий вазифаси нимада? _____

3. “Тилсим” сўзи қандай маънони англатади? _____

4. Зарурий таълим-тарбиясиз қолишнинг оқибати нима? _____

5. Зарурий таълим-тарбия нимага олиб келади? _____

6. Таълим-тарбиямизнинг Манбаси нима? _____
7. Бизнинг мақомимиз қандай? _____

8. Маърифат юзага чиқарадиган жавоҳирлардан баъзилари нима? _____

9. Муқаддас битиклар устида мушоҳада юритсак, нимани ҳозирлик билан тан оламиз? _____

17-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Шунингдек, сен Мендан руҳнинг вужуддан ажралгандан кейинги ҳолати ҳақида сўрадинг. Шунинг ҳақ билким, агар инсон руҳи Оллоҳ йўлидан юрган бўлса, у шубҳасиз, Севимли Маҳбуб шавкати даргоҳига қайтади ва унга дохил бўлади. Оллоҳ ҳақи! Бу руҳ эришадиган ҳолатни тасвирлашга қалам ёхуд тил ожиз. Оллоҳ Амрида содиқ қолган ва Унинг йўлида собит турган руҳ кўтарилгач, шу қадар қувватга тўладики, чунончи, Қодир Оллоҳ томонидан яралган барча оламлар унинг фойзидан баҳраманд бўладилар.”²³

1. Қуйидаги гапларни якунланг:

- а. Агар инсон руҳи Оллоҳ йўлидан юрган бўлса, у шубҳасиз, Севимли Маҳбуб шавкати _____ .
- б. Бу руҳ эришадиган ҳолатни _____ .
- в. Оллоҳ Амрида _____ ва Унинг _____ турган руҳ парвоз этгач, шу _____ билан тўлиб тошадики, чунончи, _____ томонидан яралган _____ унинг _____ бўладилар

18-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадиларки:

“Вужуддан халос бўлаётганида, дунё халқларига хос бўлган бўш хом-хаёллардан озод бўлган руҳ ярлақалангандир. Бундай руҳ, ўз Яратувчисининг Иродасига мувофиқ ҳолда яшайди ва ҳаракат қилади, ҳамда, энг юксак Жаннат гўшаларига дохил бўлади. Само ҳурлари-ю, фаришталар унинг атрофида тавоф этадилар, Оллоҳ Пайғамбарлари ва Авлиёлар унинг бирла мулоқотга интиладилар. Ушбу руҳ улар билан эркин суҳбат қуриб, барча оламлар Хожаси бўлмиш Оллоҳ йўлида нелар бошидан кечганини нақл этади.”²⁴

“У осийларга нисбатан кечиримли бўлиши ва улар аҳволининг тубанлигидан ҳаргиз ҳазар қилмаслиги керак, зеро, ҳеч бир кимсага унинг ҳусни хотимаси маълум эмасдир. Ўлим дақиқаларида, гуноҳкор иймоннинг моҳиятини англаб, ўз азалий чанқоғини қондиргани ҳолда, Малаъйи Аъло сари шитоб айлаган пайтлар нақадар кўп бўлган. Ва руҳи вужудидан

чиқаётган вақтда, итоаткор мўминнинг аҳволи ўзгариб, жаҳаннам оташига улоқтирилган пайтлар ҳам нақадар кўп бўлган!”²⁵

1. Вужуддан халос бўлаётганда руҳимизнинг аҳволи қандай бўлиши керак? _____

2. Бўш хом-хаёлларга нималар киради? _____

3. Бўш хом-хаёллардан озод бўлган руҳ, ўлимдан сўнг қай ҳолатда бўлади? _____

4. Бундай руҳни кимлар қуршайди? _____

5. Бундай руҳ Оллоҳ пайғамбари ва Унинг Авлиёлари билан мулоқотда бўладими? _____

6. Заминий ҳаётимизнинг қачон ва қандай тугашини олдиндан била оламизми? _____
7. Бизга тақдир этилмиш абадий ҳаётга нойил бўлиш учун, ҳозир нималар қилишимиз мумкин? _____

19-БЎЛИМ

Абдул-Баҳо айтадилар:

“Модомики, инсон руҳи ушбу моддий унсурлардан иборат қобикдан озод бўлгач абадий яшар экан, барча мавжудотга хос тарзда, у албатта, тараққий этишга қодир бўлади ва демак, кимса рихлат этган руҳнинг ривожланиши, авф этилиши, илоҳий иноят, лутфу марҳаматлар соҳибига айланиши учун дуо қилиш мумкин. Мана шунинг учун ҳам, Баҳоуллоҳ томонидан очилган дуоларда кейинги дунёга ўтганлар учун Оллоҳдан авф ва марҳамат сўралади. Худди шундай, мазкур дунёда одамлар Оллоҳга муҳтож бўлганидек, нариги дунёда ҳам улар Унга муҳтожлар. Яратилмиш ҳамиша

мухтож бўлади, Оллоҳ эса хоҳ бу дунё, хоҳ у дунёда бўлсин, улардан мутлақ мустағнийдир.”²⁶

Нима учун биз вафот этганларнинг руҳига бағишлаб дуо ўқишимиз керак?

20-БЎЛИМ

Абдул-Баҳо ёзганларки:

“Қачонки, инсон руҳи ушбу ўткинчи тупроқ тўдасини тарк этиб, Илоҳий оламга кўтарилганида, пардалар ғойиб бўлгай ва ҳақиқий воқеъликлар кашф этилгай ва ҳануз номаълум бўлган нарсалар ойдинлашиб, нихон сирлар ошкор бўлгай.

Она қорни оламида тирик мавжудотнинг қар, кўр ва гунг бўлгани ҳақида мулоҳаза этинг, қай тариқа у, умуман ҳар қандай эҳсослардан маҳрум эди. Вақти келиб, ўша қоронғу дунёдан у бу ёруғ оламга келди, шунда унинг кўзлари очилди, қулоғи эшитди ва тили сўзга кирди. Худди шу тарзда, ушбу фоний макондан Илоҳий Салтанатга шошилгани ҳамоноқ, у руҳда туғилгай; унинг қалб кўзи очилгай, жон қулоғи эшитгай ва ўзи аввал билмаган барча ҳақиқатлар унинг учун оддий ва аён бўлгай.”²⁷

1. Қуйида бўш қолдирилган жойларни тўлдилинг.

а. Қачонки, инсон руҳи ушбу ўткинчи тупроқ тўдасини тарк этса, ўшанда

- пардалар _____ ,
- ва воқеъликлар _____ ,
- ва ҳануз номаълум бўлган _____ ,
- ва нихон сирлар _____ .

б. _____ оламида биз _____ , _____
ва _____ эдик.

- в. Вақти келиб, бу ёруғ оламга туғилганимизда, шунда бизнинг кўзларимиз _____ кулоқларимиз _____, ва тилимиз _____ кирди..
- г. Худди шу тарзда, ушбу фоний макондан Илоҳий Салтанатга шошилганимиз ҳамоноқ, биз _____ туғилгаймиз. _____.
- д. Шунда бизнинг _____ очилгай, _____, эшитгай ва ўзимиз аввал билмаган барча _____ учун _____ ва _____ бўлгай.

2. Куйидаги таъкидларнинг тўғрилигини аниқланг:

- _____ Она қорнида, биз бу дунёдан хабардор эдик.
- _____ Бизнинг ўлимдан кейинги ҳолатимиз, мазкур дунёда биз учун яширин бўлган ҳақиқатдир.
- _____ Ўлимдан сўнг олдимизда мутлақ янги уфқлар очилгай.
- _____ Вафот этгач, биз бу дунёга яна бир қарра туғилиш учун қайтамыз.

21-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ таъкидлайдилар:

“Энди эса, вужудларини тарқ этган инсон руҳларининг бир-бирини аввалгидек таний олишини сўраган саволинг ҳақида. Билгинки, Алвон Кемага дохил бўлган ва унда ўрнашган Баҳо аҳлининг руҳлари, бир бири билан яқин муносабатда бўлиб, мулоқот қиларлар, ҳамда, ўз ҳаёти, истаги, мақсад ва интилишларида шу қадар чамбарчас боғлиқ бўладиларки, бамисоли бир руҳдирлар. Улар, ҳақиқатда, воқиф, зехли ва идрок соҳибларидан. Алиймул Ҳаким Зот томонидан шундай буюрилмишдир.

Илоҳий Кема яшовчилари бўлмиш Баҳо аҳлининг ҳар бири ва ҳаммаси, бир бирининг аҳволи ва мақомидан яхши хабардорлар ва бир бирлари билан яқинлик ва дўстлик ришталари билан бирлашганлар. Ҳолбуки бундай мақом уларнинг иймони ва феъл- атвориға боғлиқ. Айни савия ва мақомга эришганлар бир бирининг қобилияти, хусусияти, ютуқ ва муваффақиятларидан тамоман огоҳлар. Пастроқ поғонада бўлганлар эса, ваҳоланки ўзларидан юқори даражадагиларнинг аҳволини ва мақомининг қадрини англашга ожизлар. Ҳар ким Сенинг Раббингдан ўз насибасини олгай. Оллоҳга юзини қаратган ва Унинг муҳаббати йўлида собитқадам бўлган кимса ярлақалангандир, зеро унинг руҳи Оллоҳ сари парвоз этди, қайсиким, Қудратли, Кечиримли, Раҳиймли, барчага Ҳукмрон Рабб.”²⁸

1. Кейинги дунёда биз ўзимиз бу дунёда билган кишиларни таний оламизми? ____

2. Кейинги дунёда руҳлар орасидаги муносабат қанчалик яқин бўлади? _____
3. Кейинги дунёдаги руҳлар орасидаги фарқ ва тафовутлар нимага боғлиқ? _____
4. Ҳеч кимса Илоҳий марҳаматдан маҳрум қоладими? _____

22-БЎЛИМ

Баҳоуллоҳ айтадилар:

“Эй, бандаларим! Ушбу кунларда мазкур замин саҳнида Оллоҳ сизнинг орзу-умидларингизга мос келмайдиган нарсаларни буюрса ва намоён этса, бундан асло қайғурманг, зеро, сизларни масъуд хуррамлик ва самовий завқ-шавқ кунлари, албатта, кутмоқда. Муқаддас, руҳий шукуҳга тўла дунёлар кўз олдингизда намоён бўлғай. Сизга бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам, уларнинг марҳаматига етишиш, уларнинг шодлигидан баҳам кўриш ва уларнинг ҳаётбахш ҳузур-ҳаловатидан ўз улушингизни тотиб кўриш Унинг томонидан тақдир этилгандир. Ва сиз шубҳасиз, буларнинг ҳар бирию, ҳаммасига етишгайсиз.”²⁹

1. Куйидагилардан нималарнинг тўғри эканлигини аниқланг:
- _____ Ҳамма нарса биз хоҳлагандек бўлмаётганида, биз хафа бўлишимиз керак.
- _____ Яхшими ёки ёмонми, барчаси Оллоҳ томонидан олдиндан белгилаб қўйилган.
- _____ Барчамизни қувончли кунлар кутмоқда.
- _____ Биз, албатта, муқаддас ва маънавий улуғвор оламларни кўрамыз.
- _____ Бизнинг тақдиримиз – бу ҳаётда ҳам, кейингисида ҳам муқаддас ва маънавий улуғвор оламларнинг неъматларини татиб кўришдир.
2. Агар ҳамма нарса биз хоҳлаганимиздек бўлмаса, нима учун биз хафа бўлмаслигимиз керак? _____
- _____
- _____
- _____

3. Ушбу парчада Баҳоуллоҳ ваъдалари ҳақида нима дейилган? _____
- _____
- _____
- _____

23-БЎЛИМ

Китобнинг мазкур қисмида, сиз инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти ҳақида мулоҳаза юритдингиз. Сиз руҳ ҳаёти, унинг ушбу ҳаётдан мақсади, руҳий сифатларни ривожлантириш зарурати, сурур ва шукуҳга тўла абадий ҳаёт ваъдаси ҳақида кўп нарсаларни билиб олдингиз. Китобнинг иккинчи қисмида биз, икки томонлама мақсад, яъни ҳам ўзимизнинг шахсий интеллектуал ва руҳий ривожимиз, ва ҳам жамият трансформациясига қўшадиган ҳиссамиз ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу ерда, ўша тушунчага яна қайтиб, руҳнинг тараққий этиши ҳақида эга бўлган ички ёришувларингиз асосида, мазкур мақсаднинг ҳар иккала жиҳатига диққат қаратишнинг муҳимлиги ҳақида ўйланиш учун имкон бор. Ўз мулоҳазаларингизда қуйида келтирилган мавзуларни гуруҳингизда муҳокама қилиш фойдали бўлиши мумкин.

1. *Рухий сифатларни ривожлантириши*
2. *Оллоҳ қонунларини бажариши*
3. *Инсоният ирқининг гуллаб-яшнашига ҳисса қўиши*
4. *Хизмат йўлида олдинга силжиши*

REFERENCES

1. From a talk given on 10 November 1911, published in *Paris Talks: Addresses Given by 'Abdu'l-Bahá in 1911* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2006, 2016 printing), no. 29.12–13, p. 109.
2. From a letter dated 1 April 1946 written on behalf of Shoghi Effendi, published in *Lights of Guidance: A Bahá'í Reference File* (New Delhi: Bahá'í Publishing Trust, 1988, 2010 printing), no. 1820, p. 537.
3. From a letter dated 28 July 2016 written on behalf of the Universal House of Justice.
4. 'Abdu'l-Bahá, in *Some Answered Questions* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2014, 2016 printing), no. 66.3, pp. 352–53.
5. Ibid., no. 38.5, p. 220.
6. From a talk given by 'Abdu'l-Bahá on 9 November 1911, published in *Paris Talks*, no. 28.16, p. 104.
7. From a letter dated 31 December 1937 written on behalf of Shoghi Effendi, published in *Lights of Guidance*, no. 680, p. 204.
8. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 1983, 2017 printing), LXXXII, par. 8, p. 183.
9. 'Abdu'l-Bahá, in *Some Answered Questions*, no. 61.1–2, p. 334.
10. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, LXXX, par. 2, p. 174.
11. Ibid., LXXXI, par. 1, p. 176.
12. Ibid., CLXV, par. 1–3, pp. 391–92.
13. Bahá'u'lláh, *The Hidden Words* (Wilmette: Bahá'í Publishing Trust, 2003, 2012 printing), Arabic no. 32, p. 11.
14. From a talk given on 6 July 1912, published in *The Promulgation of Universal Peace: Talks Delivered by 'Abdu'l-Bahá during His Visit to the United States and Canada in 1912* (Wilmette: Bahá'í Publishing, 2012), pp. 315–16. (authorized translation).
15. *Gleanings from the Writings of Bahá'u'lláh*, V, par. 4, p. 8.
16. Ibid., LXXXII, par. 1, pp. 179–80.
17. Ibid., CLIII, par. 6, pp. 370–71.
18. Ibid., XXVII, par. 2, pp. 72–73.

19. Ibid., XXVII, par. 3, p. 73.
20. Ibid., XXI, par. 1, pp. 54–55.
21. Ibid., LXXXI, par. 1, p. 177.
22. Ibid., CXXII, par. 1, pp. 293–94.
23. Ibid., LXXXII, par. 7, p. 182.
24. Ibid., LXXXI, par. 1, pp. 176–77.
25. Ibid., CXXV, par. 3, pp. 300–1.
26. ‘Abdu’l-Bahá, in *Some Answered Questions*, no. 62.3, pp. 340–41.
27. *Selections from the Writings of ‘Abdu’l-Bahá* (Wilmette: Bahá’í Publishing, 2010, 2015 printing), no. 149.3–4, pp. 246–47.
28. *Gleanings from the Writings of Bahá’u’lláh*, LXXXVI, par. 1–2, pp. 192–93.
29. Ibid., CLIII, par. 9, p. 373.